САИД
АҲМАД



# Чўл бургути

## ЧЎЛ БУРГУТИ

Чўл бургутини излаб Олтиариқдан Ёзёвонга отда жўнадим. Ҳали қуёш ботмаган, унинг кечки қизғиш нурлари барглари сарғайган ўрикларни, терак учларини ловиллаб ёндираётгандек. Осмон кўм-кўк, уфқда худди атайин бўяб қўйгандек қип-қизил булут парчаси судралиб юрибди.

Қанал кўпригидан ошиб, чўл томонга жиловни бурдим. От негадир тихирлик қилиб, юрмай туриб олди. Жонивор бир-икки қамчидан кейин ҳам олдинга жилиш ўрнига орқасига тисарилиб, тайсалларди. Жаҳл устида қамчи босмоқчи бўлиб қўл кўтарган ҳам эдимки, кимдир қичқирди:

— Ўғлим, жониворни суғоринг. Кўрмаяпсизми, сувга интиляпти.

Ўгирилиб қарадим. Сув лабида белбоғига юз-кўзини артаётган олтмиш ёшлардаги қарияга кўзим тушди. У шундоқ ювош отни бесабаб қамчилаганимга ачингандек, илдам юриб келиб жиловдан олди. Пастга тушдим. У от жиловидан ушлаб қирғоққа етаклади. От олдинги оёқларини лойга ботириб, тумшуғини сувга тиқди. У ҳар замон-ҳар замонда

бош кўтариб менга қараб қўяди-да, яна сувга интилади. Унинг бу ҳаракати чанқаганимни билмадинг-а, деб таъна қилаётгандек туюлди. Жаҳл устида қамчи босганимда эти дириллаб кетганини эслаб кўнглим ранжиди.

— Йўл бўлсин, сафарингиз қай томонга?— деди чол отни қайтариб чиққач.

— «Пахтакор»нинг «Партизан» участкасига.

— Ундоқ бўлса йўлни ўнг томонга солинг.

Чолга миннатдорчилик билдириб, йўлга тушдим. Атроф бий дала. Қуёш ботиб поёнсиз чўл бирдан ҳувиллаб қолди. Уфқдаги бояги қизил булут аста кенгайиб, бирпасда бутун осмонни эгаллаб олди-да, тақир чўлни қизғимтир хира парда орасига ўраб қўйгандек бўлди. Кимсасиз чўлда чўл бургути билан учрашув ҳақида ўйлаб кетмоқдаман. Назаримда чўл бургути деб аталган киши юзларини шамоллар қорайтирган, яқинида турган одамга ҳам худди олисдан қараётгандек кўзларини қисиб, бўйнини бир томонга эгиб боқадиган, биров билан кўришгани қўл узатганда шамолга қарши учишга ҳозирланиб, қанотини ёзиб олдинга интилиб турган бургутга ўхшаш баҳайбат бир киши бўлиб кўринарди. Менинг бу фикримни тасдиқлаётгандек, от бошини силкитиб қўяди.

Киссамдан папирос олиб ҳарчанд гугурт чақаман десам ҳам эплай олмадим. От дупурини эшитиб жиловни тортдим. Юз қадамлар чамаси орқада отлиқ келарди.

— Гугуртни ҳовучингизнинг орасига олиб чақинг, йигит. Чўл шамоли ўжар бўлади.

Чолни танидим. У бояги менга йўл кўр-

саттан киши. Отларимиз бараварлашганда жиловни бўш қўйиб юбордим.

— Хизмат, ўғлим? Сизни Ёзёвонга қайси шамол учирди?

— Чўл бургутини кўргани келяпман.

— Ҳа! Кўрса арзийдиган йигит. Бургут деганча бор.

— Танийсизми уни?

— Бу атрофда уни танимайдиган одам йўқ. Бу чўлларда у ёнбошламаган тепа, отининг туёғи тегмаган сой қолмаган. Олов бола. Чўлда от чоптириб келаётганини кўрсангиз тўнининг икки бари шамолда ҳилпираб, худди бургут қанот қоқиб учиб келаётгандек. Ғайратини айтмайсизми, қони томирдан тошиб чиқиб кетаётгандек. Нимага қўл урса гуллатади. Қўли гул деб шуни айтса бўлади. Каналнинг бериги томонидаги ерларга кўзингиз тушдими? Ҳа, балли. Бургут обод қилган. Ҳозир ўша ерга колхоз клуб қуряпти. Жуда гаштли ер бўлган-да. Бургутнинг йигитлари шу атрофдан эллик гектар ер очиб, мевазор қилишди. Уч йил бўлди. Ҳа, уч йил бўлди, чўлнинг қоқ ўртасидан ер очгани бола-чақаси билан чиқиб кетганига.

— Бургут асли шу ерлик йигитми, ё кўчирмами?

Чол анча вақтгача жим қолди. Туёқ товушига қулоқ солиб бир муддат йўл юрганимиздан кейин саволимга жавоб қайтарди:

— Бургут шу ернинг боласи. Ёшлигида ҳам ўт-олов эди. Фронтга кетмасидан олдин қишлоқдаги Ойниса деган бир қиз билан дон олишиб юрган эди. Иккови аҳду паймон қилишиб гапни бир жойга қўйишган йили уруш

бошланиб, Бургут фронтга кетди. Шу кетганча ундан хат-хабар бўлмай қўйди. Қиз кутиб-кутиб, охири ўзимизнинг қишлоқлик Нуъмонжон деган болага тегди. Орадан сал ўтмай уруш тугаб Бургут қайтиб келди. Қараса қиз эрга теккан. У чамадонини самоварда қолдириб, тўппа-тўғри Нуъмонжоннинг уйига бостириб борди. Эр-хотин ҳовлидаги сўрида чой ичиб ўтиришган экан. Бургут, ҳе йўқ, бе йўқ, қизнинг қўлидан ушлаб кўчага етаклаб қолса бўладими, кўчага йиғилди одам, йиғилди одам! Қариялар насиҳат қилишди, қани энди унга гап уқдириб бўлса, йўқ. Ужарлиги тутуб, тавба, икки ярим ойлик келинчакни ўз уйига етаклаб кетса бўладими! Шу десангиз, қиз ҳам жон деб турган экан, олдига тушиб пилдираб кетаверди. Бир ҳафтагача Нуъмонжон Бургутнинг уйи атрофида ўралашиб юрди. Эплолмади. Районга бориб, у ёқ-бу ёққа арз қилмоқчи бўлди, бўлмади. Зўрликни қаранг-а! Қишлоқчилик эмасми, Нуъмонжон соддалик қилиб, келин билан ҳали загсдан ўтмаган экан. Унинг гапига ҳеч ким қулоқ солмади. Тавба!

— Ўша кезлари Бургут босар-тусарини билмай, медалларини жаранглатиб ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб юрди. Йўқ, сал фурсатда инсофга келиб, ишга шўнғиб кетди. Аммо, лекин, димоғ баланд. Биров буюрган ишни қилмайдилар. Бригадирни писанд қилмай, бир чеккада ўзига ер ажратиб олиб, кетмон чопиб юрди. Кетмон қанақа денг, темирчининг миясини ачитиб, тепасида туриб баркашдек қилиб ясатиб олган. Раисимиз эслик бола. Алдаб-сулдаб Бур-

гутни йўлга солди. Ўзи ҳам яхши гап билан илонни инидан чиқазадиган хилидан. Қолхоз қизлари бир кун қизиқчиликка кетмонининг сопига исриқ боғлаб кетишибди, деган бир гап ҳам бўлган эди, чоғимда. Ўша йилиёқ Бургут колхозда ном чиқариб, Икромжоннинг ўрнига бригада бошлиғи бўлди. Келаси йил орден олиб қурултойга ҳам бориб келди. Ёпирай, қурултойдан келди-ю, бошқа одам бўлди қўйди. Чўлга от солгани-солган. Ўзига ўхшаган йигитларни ҳам чўлга бошлади. Раббимсан, деб чунонам кетмон чопишдики, ҳашпаш дегунча аллақанча ерни чўлдан юлиб олишди. Шу, назаримда Бургутнинг юраги танасига сиғмаётганга ўхшайди. Чўлни сиқсам, танобини тортсам, дейди. Ғайратингга балли-е, азамат.

Ўтган йили гектаридан қирқ икки ярим центнер пахта берган бригадалар Бургут ер очган ўша чўлдан обрў топишди-да.

— Нуъмонжон нима бўлди, кейин уйландими?

— Ҳа, Бургут ўғил болалик қилди. Тўйига иккита бўрдоқи етаклаб борди. Куёвнавкарда ҳам Нуъмонжоннинг ёнида ўтириб, роса қизиқчилик қилиб, одамларни кулдирди. Ҳозир Нуъмонжон Бургутнинг бригадасида.

— Хотинини ундан қизғанмайдими?

— Авваллари қизғанарди. Ҳозир бир ўғил, бир қизи бор. Нуъмонжонга қуда бўламиз деб, тегишгани тегишган.

Чўл ўртасидаги йўл иккига бўлиниб, чол отининг жиловини тортди.

Чолнинг жилов тутган ўнг қўлининг икки-

та бармоғи қўшалоқ битиб қолганини кўриб қолдим.

— Ўғлим, мен бу ёққа кетаман. Энди йўлни отнинг ўзи топиб кетаверади. Хайр, ўғлим. Бургутга мендан дуо деб қўйинг.

Чол билан хайрлашдик. Тўппа-тўғримдан ой кўтарилди. Бояги қизил булутлар энди сарғимтил тусга кириб, кўз олдимда рангини ўзгартираверди-да, бирдан синкага солгандек зангори рангга бўялди. Ой жуда тез баландлаб, ҳамма ёқни ҳавойи бир тусга ғарқ қилди. Ерга урса кўкка сачрайдиган ажойиб табиатли чўл Бургути билан учрашишга ошиқдим. Бечора от яна бир марта қамчи еди-ю, халоскори чолдан ажраганига афсуслангандек бошини сарак-сарак қилиб, илдам юриб кетди. Шу ой нурига ғарқ бўлган чўлларда Бургут парвоз қилиб юргандек, ой ҳам унинг қадами теккан ерларни кўз-кўз қилмоқчи бўлгандек, янада равшанлашаётганга ўхшарди.

Бургут ҳақида китоб ёзиб, унинг бутун қилиқлари, нуқсон ва фазилатларини тасвирлаб, мана шу бепоён чўлнинг пешонасидаги асрий шўрни ювиб, зўр ҳосил олишига ўқувчини ишонтириб бўлармикин?

Шундай хаёллар билан «Партизан»га етганимни билмай қолдим. Ҳали атрофига девор олинмаган янги уйда ёши ўттиз бешларга борган, ниҳоятда кўҳлик бир жувон мени кутиб олди. Бу Бургутнинг хотини эди.

— Пунктдалар, пахта жўнатяптилар, ҳализамон келиб қоладилар.

— Яхши уй бўпти, атрофга девор олсанглар жуда шинам ҳовли бўлади,— дедим.

Жувон кулди.

— Раҳимжон акангиз шундоқ катта чўлга сиғмайдилар-у, ҳовлига девор олармидилар.

Даҳлиздан оёқ товуши келди. Бирпасдан кейин паст бўйли, озғин, кўримсизгина бир йигит кирди. Бу йигит Бургутни йўқлаб келган гумон қилиб, йўл юриб чарчаганимдан у билан бош ирғиб енгилгина саломлашиб қўя қолдим.

Жувон гап қотди.

— Раҳимжон ака, меҳмон сизни йўқлаб кептилар.

Гапнинг очиғини айтсам жуда ҳам ҳафсалам пир бўлди. Йўл бўйи минг хил хаёлларга бориб, афсонавий паҳлавонларга ўхшатиб завқланиб, ҳавас қилиб келган Бургутим ҳар куни кўриб юрган оддий кишилардай, жуссаси ҳам, юзи ҳам, кўзи ҳам, қарашлари ҳам оддий, пачаққина бир йигит бўлиб чиқди.

Бургут менинг кайфиятимни сезиб турган экан шекилли, қўл бериб кўришаётганда панжаларимни шундай сиқдики, бургут чангалига тушган жўжадек чийиллаб юборишимга оз қолди.

— Жуда соз бўпти-да келганингиз, гаплашиб ётамиз. Бугунча иш битди. Энди отамлашсак бўлади.

Ош устида гапга солсам, ўзи ҳақида унчамунча гапириб берар деб ўйлаган эдим. Йўқ. У жуда камгап одам экан. Ўзи ҳақида бир оғиз ҳам гапирмади. Фақат «Дайди» кинофильмининг иккинчи сериясини кўрмагани, у ёғида нима бўлишини билмай қолганини афсусланиб айтди.

— Чўлга қачон келганингизни, қандай қи-

либ чўлни обод қилганингизни айтиб берсангиз.

У кулди. Ориқ панжалари билан пешонасини уқалаб, кўз қири билан менга қараб қўйди.

— Қандоқ десам бўларкин? Шундоқ чўлга чиқдим-у, бир томондан трактор солиб, кўпчилик бўлиб кетмонни чопиб кетавердик. Шу!

Унинг бу гапидан камтарлик қиляпти деб ўйладим-да, яна сўрадим:

— Ахир, шу ишлар осонгина бўлмагандир?

— Меҳмон деган унақа сергап бўлмайди,— деди у айёрча кулиб.— Эртага ўзингиз кўрасиз. Болалар айтиб беришади. Чарчагандирсиз, ётинг.

Ундан ўзи ҳақида тайинли бир гап олиш қийин эканлигига ишонганимдан кейин, ёстиққа ёнбошладим. Чўл бургути чироқни пасайтириб нариги уйга чиқиб кетди.

Назаримда у уйдан чиқди-ю, қанот қоқиб, ой нурида яшнаб ётган чўл осмонига учиб кетгандек бўлди.

Уйқум қочди, фикр-хаёлим чўл бургутида. Наҳотки, оддий, кичкинагина жуссада бургут қалби, бургут парвози бўлса. Наҳот, у бургут етолмаган фазоларда уча олса.

Шу кеча чўл тонги ёришиб келаётган субҳисодиқда, улуғ ниятлар инсонни улуғ истиқбол сари қанотлантиришига, чўл бургутига ҳам қанот берган мана шу ниятлар эканига иқрор бўлдим.

Эрталаб нонушта вақтида Нуъмонжон келиб қолди.

— Ҳа, Тўппонча, нима қилиб ивирсиб юрибсан?

— Машина қайси участкага борсин? Шуни сўрагани келгандим.

Бургут унинг қўлига бир пиёла чой тутқазди.

— Ҳали тайинлаган эдим-ку.

— Ҳожимуқон ҳали йўл очмаган экан, механик бормайман деяпти.

Уларнинг суҳбатидан ҳеч нарса тушунмадим. Фақат Бургут то нонуштагача чўлни шамолдек гир айланиб келганини сездим, холос. Нуъмонжон кетди. Биз Бургут билан ташқарига чиқдик. Кеча қоронғида келиб чўлнинг нималигини билмаган эканман. Ун учта янги оқ иморат. Нариroқда тепаси шийпонлик идора, уйлар олдидаги қатор экилган ёш теракларнинг барги қаҳрабодек сап-сариқ. Артезан қудуғидан чиқарилган сув бўй баравар баландликдаги қувурдан шилдираб оқиб ётибди. Ундан нарида тепаси толь билан омонаттина ёпилган сарой ичига селитра тўкиб қўйилган, икки-уч бочка керосин, қопланган цемент, ғишт, тахта, ходалар уйиб ташлаган.

Шийпон олдида марказий Фарғона степторгининг автолавкаси турибди. Унинг бир ғилдираги ўрнига ғишт тахланиб, ўқига тиргович қилиб қўйилган. Оқ халат кийган сотувчи вағиллаб турган примус устида буғ пуркаётган мис чойнакка чой дамлаяпти.

Бургут лавкага бош суқиб қаради. Полкаларда сон-саноқсиз арoқ, винолар, пачка-пачка майда туз териб қўйилган. Қизларнинг сочига тақиладиган ҳар хил лента, устига зар

қопланган сигара, елпуғич, упа, фотоувеличитель каби моллар тўлиб-тошиб ётарди.

Сотувчи нимадир демоқчи эди, Бургут қўл силтади.

— Дўконни беркитинг. Туз чўлда ҳам кўп. Упа қўйишга хотинларнинг ҳозир қўли тегмайди. Елпуғичсиз ҳам шабада бўлиб турибди. Ароқни бўлса кечқурун майдалашармиз.

Бургут идора томондан келаётган Нуъмонжонни имлаб чақирди.

— Бу кишини ола кет. Дўконни кечқуруи очади. Бир грамм терса ҳам ҳарна-да!

Бургут хижолат бўлгандек қошини кериб менга қаради.

— Меҳмон, ишимиз қизиқ бўлди-ку. Сал бемаврутроқ келиб қолдингиз-да. Уйимиз батта бўлгани билан, пахтамиз олти километр нарида. Шу турган еримиз келаси йилга бориб чўлнинг центри бўлади. Мен билан юрсангиз чарчаб қоласиз. Яхшиси Тўппонча полвон билан кетаверинг. Ҳожимуқоннинг ерида учрашамиз.

Бургут отга миниб қайгадир кетди. Биз Нуъмонжон билан йўлга чиқдик.

От-арава, машина юравериб шиббалаб юборган текис йўлдан сал юрганимиздан кейин орқамиздан сотувчи йигит ҳаллослаб етиб келди. То у келгунча гапимиз қовушмай турган эди. Гапни нима ва кимдан бошлашимни билмай жимгина борардим. Танишбилиш йўқ. Бургутдан гап айлантирай десам, Нуъмонжоннинг кўнглига қаттиқ ботмасмикан деб хижолатда эдим. Толеимга сотувчи сергапгина йигит экан. Йўл бўйи оғзи тинмай

степторгнинг инспекторидан шикоят қилиб борди.

— Нафси бузуқ одам. Жиндак чўзиб қўймасанг молнинг яхшисини ололмайсан. Ака, ўзингиз ўйланг, кичкина дўкон бўлса, харидорнинг сони йигирмадан ошмаса, бозор яқин бўлмаса, ахир бола-чақалиқ одаммиз.

Нуъмонжон юмшоқ кўнгил, қиздеккина йигит экан. Унинг қадди-басти, хатти-ҳаракатлари деҳқондан кўра сартарошга кўпроқ ўхшаб кетарди. Оёқ олишлари енгил, гапи ҳам мулойим, қалин қора қошлари остидаги сарғимтил қўй кўзи ҳамиша кишига кулиб тургандек. Унинг шу топда ёнимда пилдираб бориши чўлда кетаётган ожиз чумолига-ўхшаб, сира манзилга етолмайдигандек кўринарди. Бунинг нимаси тўппончага ўхшайди, тавба.

Узоқдан кўм-кўк тутун кўринди. Бу тутун бир зумда тарқаб, унинг ўрнида ёнбошлаб қолган терим машинаси кўринди.

— Бир бало бўпти,— деди Нуъмонжон бесаранжом бўлиб.— Бургутдан балога қоламиз, қани, югуринглар!

Унинг мулойим қўй кўзлари думалоқлашиб бўрининг кўзига ўхшаб кўкимтил тусга киргандек бўлди. У чўл ўртасида шамолдек олдинга югуриб кетди. Боя чумолидек увол кўринган қиздек йигит, энди кийикдек ел қувиб олдинда учиб борарди.

Биз ҳаллослаб ярим йўлда қолиб кетдик. Кечаси кўп чекканимдан бўлса керак, юрагим гупиллаб уриб, тилим оғзимга сиғмай қолди.

— Тўппончанинг ўқига ўхшайди-я! — дея

олдим энтикиб.— Тўппонча полвон деганича бор экан.

— Бу Бургутнинг қўлига тушган қуён — шер, чумоли — фил бўлиб кетади.

Машина тўхтаган ерга етиб келдик. Ёмғир суви ҳалқоб бўлиб қолган чуқурликда машинанинг бир ғилдираги ботиб қолибди. Механик ҳайдовчи ярим соатдан бери чиқазолмай, моторни гувиллатавериб ёнилғини тугатаёзган экан. Нуъмонжон сотувчини орқага қайтарди

— Аравада ёнилғи олиб кел!

Йигит энсаси қотгандан гарданини қашиб, камҳафсалалик билан орқага қайтди. Нуъмонжон эса этигини шалоплатиб ботқоққа тушди-да, хижолат бўлгандек менга қаради.

— Меҳмон, кемага тушганнинг жони бир. Қани, потинкани ечинг. Бир ҳа-ҳалашиб юборайлик.

— Тиззадан лой кечиб унинг ёнига бордим. Нуъмонжон ингичка оёқларини қадаб, елкасини машина қанотига тиради.

— Қани, ҳайда!

Мотор гуриллаб, машина олдинга интилди. Интилди-ю, кейинги чап ғилдираги турган жойида пилдираб айланиб, афти-башарамга лой пуркаб юборди. Нуъмонжон бўғиқ овоз билан яна бир марта «ҳайда», деб машинанинг чап қанотини азот кўтарди. Машина орқасига тутун қайтариб, олдинга лапанглаб силжиди.

Бу йигитда шунча куч борлигига ҳайрон қолдим. Ахир, у шунча оғир машинани елкаси билан итариб, йўлга чиқариб қўйганини ўз

кўзим билан кўриб турсам ҳам бунга сира-сира ишонгим келмасди. Наҳот, шу увоққина жуссада шунчалар катта, ишониб бўлмас паҳлавон куч яшириниб ётган бўлса. Буни «Тўппонча полвон» деб бекорга айтмаган эканлар.

Нуъмонжон тўнининг бари билан юз-кўзига сачраган лойларни артиб бўлиб, менга илжайиб қаради.

Унинг кўзлари бирам мулойим, бирам ёқимли. Ҳар қандай тошюракни ҳам эритадиган, ажойиб кўзлар эди.

Бу йигит мен тасаввур қилган чўл йигитларига сира ўхшамасди. Нозик бармоқлари фақат дутор чертишга, сабза урган мўйловлари остида кулишга ҳозирланиб турган лаблари фақат жонон қизларнинг юзидан бўса олишга яратилгандек кўринарди. Кишининг ташқи қиёфаси баъзан интилишларига, фикр-ўйларига қанчали қарама-қарши бўлишига энди ишондим.

Машина ортидан эргашиб тайин қилинган ерга келдик. Оппоқ очилиб ётган ғўзалар орасидан «Алф-Лайло» даги кўзачадан чиққан Аҳраман девдек баланд, ҳар яғринига биттадан одам минса бўладиган ўттиз беш ёшлардаги норғул йигит машинага қараб келарди. Унинг узун чакмони дарахтга шолча ёпиб қўйганга ўхшарди. Қош ва киприклари сариқ, аммо ўзига жуда ҳам ярашиб тушган мўйлови негадир локдек қоп-қора эди. Мўйловини бўяса керак деб, дилимдан ўтказдим.

— Ҳожимуқон шу бўлади.

Ҳожимуқон илдам юриб келиб худди ёш болани кўтаришга чоғлангандек, энгашиб,

икки букилиб Нуъмонжон билан кўришди. Унинг олдида Нуъмонжон худди дадасига талпинган ёш болага ўхшаб кўринарди.

— Ҳа, Тўппонча, мунча ҳаяллаб қолдинг? Унинг овози қулоғимга момақалдироққа ўхшаб эшитилди.

— Машина лойга тиқилиб қолган экан, чиқазгунча сал тўхталиб қолдик.

Машина янги очилган ердан эгатга кириб кетди. Ҳожимуқон девқадам билан унинг орқасидан эргашди. Атрофга қарадим. Бу ерлар қаердан сув ичаркин, деб ҳайрон бўлиб Нуъмонжондан сўрадим.

— Фарғона каналидан оламиз. Сув масаласида нолимасак ҳам бўлади. Ариқ қазийдиган янги машина чиққан. Овозини эшитяпсизми?

Нуъмонжон кунботар томонга қараб қулоқ солди.

— Келаси йили хув ўша томондан қирқ гектар ер очамиз. Шунда еримиз Қўшоқ отанинг ери билан туташади.

Кеча отимни суғориб берган чолнинг икки бармоғи қўшалоқлиги, айилишга келганда чол ўша томонга бурилганини эслаб, Қўшоқ ота дегани шу киши бўлса керак, деб гумон қилдим.

Терим машинаси эгатнинг бошига етиб, янги ариқдан қайтди. Брезент палаткадан чиққан ўрта яшар бир хотин сочини бошига турмаб, машина кетида келаётган Ҳожимуқонга қўл силтади. Кейин ўша томонга ғўза оралаб югуриб кетди.

— Ҳожимуқоннинг хотини. Жуда ҳам гапга бичган-да. Қофияли қилиб гапиради. Аммо

Ҳожимуқон шу гавдасига хотинидан ўлгудек қўрқади.

Ўша палатқадан ёши йигирма бешлардаги сулувгина бир аёл чиқди-да, Нуъмонжонга қаради.

— Чой ичиб олинглар!

Кейин у фартуғини бўйнига илиб, бояги хотиннинг орқасидан югурди.

— Бу киши бизнинг «маликаи дилозор» бўладилар,— деди Нуъмонжон кулиб.

— Сиз ҳам хотинингиздан қўрқасизми?

Нуъмонжон гарданини қашиди.

— Дунёда хотинидан қўрқмайдиган одам ҳам бор эканми.

Палаткага кириб энди бир пиёладан чой ҳўплаган ҳам эдикки, от чоптириб Бургут келиб қолди. Важоҳатидан ҳозиргина биров билан уришиб келганга ўхшарди.

— Ҳа, Бургут, турқ-тароватинг бошқача, бир гап бўлдими?— деб сўради унга пиёла узатаркан, Нуъмонжон.

— Картинкангдан ўргилдим! Кечадан бери сарсон қилади-я.— Унинг гапига тушунолмай бир-биримизга қарашиб олдик.

— Сочига тароқ тегмаган, иккита калта шимлик олифта бир машина ашқол-дашқол билан кепти. Картинкага оламан деб, у ёққа қарасам ҳам дурбинини тўғрилайди, бу ёққа қарасам ҳам дурбинини тўғрилайди.

Кеча райком биноси олдида кинохрониканинг машинасини кўрганимни эсладим.

— Тавба, офтоб чиқаётган томонга қараб, чеккамга пахта қистириб, ўнг қўлимни кўтариб турганимни картинка қилармиш. Картинка қилсанг артисингни ола келмайсанми!

Меҳмон, сиз билан Ёғоч полвоннинг ерида учрашамиз.

У чойдан бўшаган пиёлани пилдиратиб бир ирғитиб илиб олди-да, хайр, деб чиқиб кетди. Бир оздан кейин чўлнинг уфқ билан туташган ерида от ўйнатиб кетаётганини аранг кўзим илғаб қолди. Нуъмонжон ҳам бўйнига фартук илиб, машина ололмай қолган пахталарни тера бошлади.

Пайкал бошида ёлғиз қолиб, кўз илғамас пахтазорда жавлон уриб юрган терим машинасини томоша қилиб турдим. Шамол қулоғимга аллақаерда шудгор ағдараётган тракторнинг овозини ўхтин-ўхтин учириб келади. Ариқ қазиётган машинанинг бўри улиганидек ўкиришини бир дам олиб келади-да, яна қаёқларгадир суриб кетади.

От солиб ўтган фотиҳларнинг, қўнғироқ чалиб ўтган карвонларнинг сурони уйғотолмаган асрий мудроқ чўлни янги одам жиловлаган пўлат моторларнинг забардаст турткиси уйғотган эди.

Сотувчи йигит аравада бир бочка керосин олиб келди. Икковлашиб бочкага резинка ичак солиб бакларни тўлдириб олдик.

— Меҳмон, Бургут сизни Ёғоч полвоннинг ерига олиб бор, деб тайинлади.

Аравага чиқаётганимда механик йигит бункерни бўшатиб, ёнилғи олгани пайкал четига чиқаётган эди.

Эгарга қийшиқ ўтириб олган йигит йўл-йўлакай Бургутнинг йигитларини таърифлаб кетди.

— Бургутнинг йигитлари ҳали курашда елкаси ер кўрмаган полвонлар. Ҳозир бу пол-

вонларга Фарғона томонда тарафкаш йўқ. Ёғоч полвон деб ном чиқарган Миразиз ўтган йили паркентлик полвондан йиқилиб қолди. Бургут шундан кейин Ёғоч полвонни бригададан ҳайдаб юборди. Ўша полвонни йиқитиб келмагунингизча кўзимга кўринма, деди. Йўқ, бултур куздаги пахта байрамида Фарғонада кураш бўлиб, Ёғоч полвон ўша полвонни чархпалак қилиб ерга урди-ю, юзи ёруғ бўлди.

— Бургут уни бригадага қайтариб олдими?

— Олди. Лекин битта шарт билан олди. Кетмон ишлатмай, пахтани машинада экиб, машинада териш шарти билан. Ҳали борганда кўрасиз. Ҳар гўзаларки, бир тупидан бир кўрпалик териб олаверасиз. Ўзи ҳам антиқа одам. Ҳозир айтсам қизиғи қолмайди.

Сўнгги марта хириллаб нафас олаётган бемордек шикоятомуз ғийқиллаб бораётган арава устида теварагн уфққа туташган чўлни томоша қилиб бораман. Бу уйқуси қочган кўҳна паҳлавон чўл билан беллашаётган, худди шу чўлдек бағри кенг, аммо навқирон, ҳар қайсиси алоҳида китобга қаҳрамон бўлса арзийдиган, бир-бирига ўхшамаган табиатли йигитларни кўраётганимга, улар билан ҳамсуҳбат бўлаётганимга ич-ичимдан севинаман.

Бу учрашувларда уларнинг қилиқларини, бўй-бастларидан тортиб, кўз қарашларигача ёдда сақлаб қолмоқ учун тикилиб-тикилиб қарайман.

Чўл ўртасини девордек тўсиб ётган дўнгни ошиб ўтганимиздан кейин йўл гавжум бўлиб қолди. Ҳар қадамда қурилиш материаллари ортган юк машиналари, устига бочка

юкланган бричкалар узун йўлдан кетма-кет ўтиб турарди. Ора-сира мотоцикл патиллаб ўтиб қолади-да, чўл бағрига ўқдек санчилиб бир зумда йўқ бўлиб кетади. Боя Ҳожимуқоннинг ерида эшитилган гуриллаган товуш шу томондан келаётган экан. Экскаватор ҳалқумини чўзиб, қуйқа босиб қолган зовурдан лой чиқазаётибди. Чўлнинг қоқ ўртасида ёнбошига тупроқ пуркиб канавакопатель ариқ қазимоқда. Унинг товуши гўё баҳайбат бир мушук мутасил ойна тимдалаётгандек қийқиллайди. Онда-сонда қуриб қолган ўтларни чимдиб юрган пода учраб қолади. Йўл ёқасида артезан суви шилдираб оқиб ётибди. Ундан тушган шаффоф сув цемент ҳовузчадан тошиб, йўл четида кўлмак ҳосил қилган. Сув атрофида ўсган гиёҳлар ҳали кўм-кўк. Кўлча юзида қўй ва эчкиларнинг қумалоқлари сузиб юрибди.

Колхоз подаси шу ердан сув ичса керак деб ўйладим.

— Чўл қишлоққа шу томондан туташади,— деди ҳамроҳим, қамчи дастаси билан узоқда сарғимтил тусга кирган дарахтларни кўрсатиб.

Район марказидан йўлга чиққанимда, чўлга колхоз еридан ўтиб борсак керак, деб ўйлаган эдим. Бу ўйим янглиш чиқди. Ҳамроҳим эгарга яна қийшиқ ўтириб олди.

— Чўл асли шу томондан сиқиб келиняпти. Боя сиз кўрган Ҳожимуқоннинг ери колхоз очадиган қўриқнинг охирги нуқтаси. Ундан уёғи бошқа колхознинг зиммасига тушган.

Бирданига чўлнинг ҳавоси ўзгарди, эрта

куз бўлишига қарамай эсиб турган илимилиқ шабада ўрнига қандайдир димоққа хуш ёқадиган, боғлардан эсаётган ёқимли шамол кела бошлади. Ҳозир биз бир томони ҳали безрайиб ётган чўл, бир томони эса обод бўлган ернинг худудида турардик.

Этаги олисларга чўзилиб кетган чўл тўқувчи дастгоҳидаги тандага, янги обод бўлган жойлар эса шу танданинг аста-секин тўқилиб келаётган сергул матасига ухшарди.

Шағал ётқизилган йўлнинг икки четида ҳали усти ёпилмаган бир қаватли бинолар, хом ғишт деворига толь ташлаб устидан тош бостириб қўйилган чала уйлар, баъзан шахмат катагига ўхшаган цемент пойдеворлар учраб турарди. Бу ерларда ҳали одам яшамай туриб ёш терак ва қайрағочлар аллақачон ерга парча-парча соя ташлаб улгурган эди.

— Ёғоч полвоннинг ерига етиб қолдик.— деди ҳамроҳим, от жиловини ўнг томонга буриб.

Биз йўл олган сўқмоқнинг боши усти шохшабба билан ёпилган чайлага бориб қадалар эди. Чайла олдидаги хирмонда Бургут офтобга пахта ёймоқда. Тахминан ўн беш гектар келадиган пахтазорнинг икки томонида икки терим машинаси гуриллаб юриб турибди. То биз чайлага етиб боргунимизча ёнимиздан ўтиб кетган кул ранг «Волга» машинаси устимизга чанг ёпириб чайлага етмай тўхтади. Шамол чангни бир зумда ерга ёнбошлатиб кетди.

Машинадан ўрта ёшлардаги сал қорин ташлаган, қалин қошлари кўзларини тутиб

кетган бир киши тушди. Орқа эшик очилиб мўйловли аёлга ўхшаш бир йигит кўринди. Унинг сочи орқасидан тaраліб пешонасига келганда яна тепага қайтариб юборилган эди. Унинг бу қиёфаси менга попишакни эслатди. Оғзида муштук, эгнида почаси тор ва калта чийдухоба шим. У фотоаппарат тасмасини узук тақилган бармоғига ўраб олган эди.

— Мана, ўзингиз айтинг, ўртоқ партком, сира у кишини кўндиролмаяпмиз,— дер эди у, қора қош партком йигитга.

— Хўш, нима гап?— деди партком, қанорга пахта жойлаётган Бургутнинг яқинига бориб.

— Парво қилманг, Миржалил ака, мендан артист чиқмайди.

— Яхши эмас, атайин Тошкентдан келишипти. Тез бўл, у ёқ-бу ёғингни паратка қил. Қани янга, бояги нарсани беринг!

Чайла орқасидаги бак остига ўт қалаётган Ойниса унинг гапини яхши эшитмади шекилли, ўрнидан туриб савол назари билан қаради.

— Бояги тугун қани?

Ойниса чайла тирговичига илиб қўйилган камзулининг чўнтагидан шоҳи дастрўмолга тугилган нарсани олиб парткомнинг қўлига берди.

Бургут тўнига илашган пахта толаларини кафти билан сидириб бўлгач, дўпписини тиззасига уриб қоқди. Унинг бу ҳаракатларини кузатиб турган баланд бўйли, озғин, қопқора йигит гап қотди.

— Қошингга ўсма қўйиб қўяйми? Янга, упангиздан беринг!

Бу гапдан Бургутнинг энсаси, қотиб, ер остидан ҳўмрайиб қаради.

Партком тугунчадан орден ва медалларни олиб Бургутнинг кўкрагига тақа бошлади. То Бургутнинг «пардози» битгунча калта шимли йигит «Волга»дан кино аппаратини олиб чиқиб уларнинг ёнига келди.

— Шу киши нима деса ғиринг демай бажарасан. Хариш отга ўхшаб тайсалламай хап турсангчи!

Бургут билан оператор пахтазорга кириб кетишди. Оператор йўлда қўшалоқ очилган пахтадан узиб олиб унинг чаккасига тақиб қўйди. Бутун колхоз йигитларига сўз бермай чўлда жавлон уриб юрган бургутсимон бу одам айни замонда оператор қўлида минг оҳангга тушар эди. Гоҳ ўнг қўлини кўтариб терим машинасини бошқараётган механикка нималардир деб қичқирар, гоҳ кун чиқар томонга бургутга ўхшаб талпиниб қўярди.

Охири у «артист»ликдан зерикди шекилли, қўл силтаб жаҳл билан пайкалга қайтиб келди. Унинг кетидан эргашиб келаётган оператор норози оҳангда нимадир деди. Бургут яна қўл силтади.

— Икки кундан бери шу кишининг кетида овораман. Яна жиндай қолган эди-я!

— Бургутни бир кунда овлаб бўлмайди. Кетидан икки-уч кун чўл кезиш керак, яхши йигит,— деди бояги тарашадек озғин, новча йигит.

— Шуни айтмайсанми, Ёғоч полвон.

Ёғоч полвонни дарров танидим. Унинг суратини ўтган йили физкультурачилар газетасида кўрган эдим. Республика мусобақасида

паркентлик полвонни йиқитиб Ўзбекистон чемпиони бўлган Асад полвон Иброҳимов шу киши эди.

Партком терим машинасининг механигига «бирпас тўхта» дегандек ишора қилиб, пайкалга чақирди. Бошқаларни ҳам чайла олдига тўплади.

— Қўшоқ отангиг қирқмаси роса бўлиб берибди. Машинага иккита ташлаб қўйган эди, бирга баҳам кўрамиз.

Шофер ҳар бири қўйдек келадиган иккита чўл қовунини инқиллаб кўтариб келди-да, тиззалаб шолчага думалатиб юборди.

Дастурхон устида Ёғоч полвоннинг таърифи бошланди.

— Ёғоч одам!— деди жиддий туриб Бургут.— Лафзли одам у. Ун саккиз гектар ерни кетмон тегизмай машинада қойил қилиб юборди. Кўрапсиз-ку, икки машиналаб ҳам териб тамом қилиб бўлмаяпти.

Мен ҳам гапга аралашдим.

— Бу киши ҳам хотинларидан қўрқадилармн?

— Бе,— деди Ёғоч полвон қўл силтаб,— гуноҳ қилган йигит хотинидан қўрқади-да! Биз ҳали гуноҳ қилганимизча йўқ. Нима дейсан, Бургут?

Бургут бошини сарак-сарак қилиб кулди.

— Уч-тўрт улфат бир бўлиб гапдан гап чиқиб «ким хотинидан қўрқса ўрнидан турсин» деган таклиф тушибди. Шунда ҳамма ўрнидан турибдию, бир полвон йигит жойидан қўзғолмапти. Ундан, нега турмадинг, ё хотинингдан қўрқмайсанми, деб сўрашибди. Полвон йигит нима депти денг, хотинимнинг

номини эшитишим биланоқ икки оёғим шол бўлиб ўрнимдан туролмай қолдим, депти.

Қотиб-қотиб кулдик.

— Бизнинг Ёғоч полвон ҳам шунақа полвонлардан,— деди Бургут унинг биқинига туртиб.— Ҳа дўст! Қоматингга қойилман!

Ёғоч полвон қизариб кетди.

— Ҳеч-да, ичадиган вақтимда, рост гап, жиндаккина қўрқардим. Ўшанда ҳам ҳадеб машмаша қилавергандан кейин ёлғондакаси қўрққанга ўхшаб турардим.

Қовундан кейин бир пиёладан кўк чой ичиб, ҳамма ўз ишига тарқади.

— Бургут, эртага машинанинг бирини Қўшоқвой отага юбор. Ёғоч полвоннинг пахтаси энди сийраклашиб қолибди. Машинз бекор турмасин. Ўн учинчида кўрак узадиганини юбораман.

Ёғоч полвон ерига бир кўз югуртириб чиқди-да, шундоқ қилсак ҳам бўлар экан, деб партcомнинг сўзига рози бўлди.

Партком ҳам, кинооператор ҳам кетди. Бургут машина орқасидан қараб турди-да, илжайиб қўйди.

— Меҳмон, биз чиққан картинкани Тошкентда кўрадиган бўлдингиз. Биз томонларда ҳам кўрсатар, деймаи. Қўшоқвой отани олганда жуда интрсний чиқарди.

Хирмонда шамоллатилган пахталар қанорлангунча шу ерда бўлдим. Қишлоқдан пахта ортиб кетгани машина келди. Ёғоч полвон қанорларни худди ястуқдек енгил кўтариб машинага ирғитар, Бургут эса уларни эпчиллик билан тортиб олиб ғишт тахлагандек кузовга жойлар эди. Қанорлар бир-бирига миниб ла-

панглаб қолгунча тахланди. Бургут ерга сакраб тушиб шоферга дарров қайтишни буюрди-да, кўкрагида жаранглаб турган орденларини чиқазиб бояги шоҳи рўмолчага тугиб хотинига узатди.

— Олиб қўй, план тўлган куни тақамиз энди.

—. Энди менга жавоб берсангиз, Бургут, шу машинада қишлоққа етиб олай,— дедим унга.

— Ие, бирон кун қолмайсизми? Эртага Ёғоч полвоннинг тўйини қиламиз. Ошини еб кетасиз-да!

— Шу бачканалигинг қолмади, қолмадида. Ёғоч полвон зарда билан нари кетди.

— Ёғоч пахта пунктидаги лаборант қиз билан нари-бери бўлиб юрар экан. Хотини билиб қолиб уйига киритмай қўйган эди, Роса йигирма кундан бери чўлнинг қоқ ўртасида мажнун бўлиб, кўйлак-пўйлагини ҳам ўзи ювиб юрган эди. Ўтган куни қазилик ош қилиб беришни бўйнига қўйиб яраштириб қўйган эдик! Насибангиз қўшилмаган экан.

— Бўлмаган гап, ишонманг бу гапга, меҳмон. Сиртқи техникумда ўқийман-да! Имтиҳонга яқин қолганда лаборант қиз агротехникадан ўзим ўргатиб қўяман деган эди. Манави бемаъни қаёқдаги гапларни хотинимга айтиб уриштириб қўйса бўладими. Аҳмоқ бўлиб яна ўзи яраштириб қўйди.

— Қўе,— деди Бургут менга кўз қисиб қўйиб,— бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур. Ҳа, дўст! Писмиқсан, Ёғоч! Писмиқсан!— Бургут шу гапни айтиб тиззасига уриб, қотиб-қотиб кулди.

— Меҳмон, тағин шу гапларни ҳам китобга тиркаб қўйманг.

Улар билан самимий хайрлашиб машинага чиқаётганимда Бургут, папирос чекмаг, меҳмон, йўлда пожарний штраф қилади, деб тайинлади.

Машина ҳавони кесиб, бир текис елиб чўл ўртасида борар, мен эса учрашувлардан олган таассуротларимни қай тартибда қоғозга туширишни ўйлаб кетардим.

Машина кеча Кўшоқ ота билан ажрашган жойга келганда қуёш ер этагига ботиб, осмоннинг ярми анор суви сачрагандек қип-қизил тусга кирганди. Атрофда тракторлар, экскаваторлар шовқин соларди. Уларнинг гулдираганини шамол чўл бўйлаб айлантириб кетади.

Худди тепамда бир чўл бургути баҳайбат қанотини ёзиб гир айланиб учиб юрибди. Шовқинга тўлган чўлда маконини йўқотган бу саҳро султони қуналға тополмай осмонда чарх уриб кезарди. Чўлнинг асрий уйқусини бузган ер бургутлари энди унинг кўҳна масканини эгаллаган эдилар.

Бургут қизғинтил кўкда узоқ айланиб юрди-да, охири бир-икки марта умидсиз қанот силкиб, қуёш ботаётган уфққа қараб сузиб кетди.

*Фарғона 1958 йил, декабрь.*

## ЎРИК ДОМЛА

Мен бу одам ҳақида биринчи марта Езёвон чўлининг қоқ ўртасида, Чўл бургутининг чайласида эшитган эдим.

Чўл бургути янги очилган қўриқдан йигирма беш гектар ерни боғ учун ажратиб қўйганини ва бу ерни обод қилиш учун раисполкомнинг алоҳида қарори билан Ўрик домланинг ўзи келаётганини айтган эди.

Ажаб! Бу Ўрик домласи ким бўлди? Бургутдан бу одам ҳақида сўрамоқчи бўлиб турган эдим, Ёғоч полвон гап бошлаб қолди.

— Келмайди. Шундоқ боғини ташлаб келармиди. Боғига кирганмисан? Ё тавба, бир одамнинг қўлидан шунча иш келишига ақлинг бовар қилмайди.

— Келади! — деди, ишонч билан Бургут. Боғи торлик қилиб қолган, янги кучатга жой қолмапти. Чўлга кўз тикиб юрган эмиш.

Ёғоч полвон ёйилиб кулди.

— Чол тушмагур ҳам бизга ўхшаб қариганда чўл «жинниси» бўпти-да.

Ўрик домлага қизиқиб қолдим. Бу одам ҳақида унча-мунчани билиб олмоқчи бўлиб,

чайлада икковимиз қолганимизда Бургутдан суриштирдим.

— Ажойиб одам. Узи ўлгудек эзма. Тажангликда тенги йўқ, ўрикдан бошқа гапни билмайди. Тўй-пўйга бориб қолса, ашула эшитаётганларнинг энсасини қотириб, ўрикдан гап бошлайди. Асли отини ҳалигача ҳеч ким аниқ билмайди. Аммо Урик домла десанг, бўлди. Каттадан-кичик танийди! Жони-дили ўрик. Райондаги колхозларнинг боғида ҳозир шиғил мева бериб турган ўриклар шу домланинг кўчатидан бўлади. Одамлар Кавказга дам олгани боришса, Урик домла данак йиққани боради. Боғида дунёдаги ўрик навининг ҳаммасидан кўчат бор, дейишади. Областдан кимки чет элга борадиган бўлса, ҳамма ишини йиғиштириб қўйиб, уни вокзалгача чамадонини кўтариб кузатиб қўяди. Данак олиб келишни тайинлайди.

Бургут ҳикояси шу ерга келганда тиззасига уриб, қотиб-қотиб кула бошлади.

— Нега куляпсиз, бир гап бўлдими? — дедим унинг бемаврид кулгисидан ажабланиб.

— Бир воқиа эсимга тушиб кетди. Келини билан уришиб қолгани ҳам шу ўрик хусусидан-да! Утган йили катта тўй қилиб ўғлини уйлантирган эди. Тўй ҳам жуда антиқа бўлган. Авжи ўрик пишиғи эди. Тўйга келган хотинлар нима бўлса ҳам домланинг кўзини шамғалат қилиб ўригидан бир-иккита узиб ейишни ният қилиб қўйишган экан. Домла, пешонасига замбаракнинг оғзини тўғрилаб турсанг ҳам, ўрикка қўл тегиздирмайдиган хилидан. Тажриба ўрик-да, ахир! Домла нима қилибди денг: қўрғончадан боққа кирадн-

ган эшик олдига икки обдаста сув, эшик ҳалқасига учта тўн билан салла илиб қўйибди. Бечора хотин-халаж қариялар таҳорат олгани кириб кетишган экан, деб боққа яқин келиша олмабди. Қалласи ишлаганини қаранг, бу домласи тушмагурнинг! Қойилман. Маладэс!

Бургут яна кула бошлади. Домланинг келини билан ораси бузилганининг сабабини билолмаганим учун яна сўрадим:

— Келини билан нега уришиб қолган эди?

— Ҳа айтганча, ҳали айтдим-ку, домла чет элга ким борса данак олиб кел деб тайинлашини. Саёҳатчилар унинг юзидан ўтолмай ўшоқларда ўрик есалар данагини ташламай олиб келаверишибди. Домла шундай қилиб бир халта данак йиққан эди. Келин бечора унинг «данак жинниси»лигини билмай, домла йўғида шу бир халта данакни чақиб еб қўйибди. Бошқоронғи экан-да, бечора. Домла кўчадан келса бир ҳовли данак пўчоғи ётган эмиш. Кўрибди-ю, тутқаноғи тутиб қопти. Ҳушига келиб бутун ҳовлини бошига кўтариб дод солибди. Қўни-қўшнилар йиғилибди. Унинг феълини билганлар лом-мим деб оғиз очишолмабди. Келиннинг ранги қум оқариб кетган, дағ-дағ титрар эмиш. Кейин домла ўғлига ўдағайлабди.

— Бу уйда ё мен тураман, ё хотининг туради!

Албатта янги куёв бир нима деёлмай тил чайнаб, анқайиб тураверибди.

Бу гап келиннинг ҳамиятига тегиб, кийимбошини тугиб отасиникига кетиб қопти.

Бургут яна бошини сарак-сарак қилиб кулди.

Шунақа. Домла ўрик деганда отасини ҳам аямайди.

Кейинги Ёзёвон сафаримда Чўл бургутидан Ўрик домлани суриштирдим.

— Қалай, домла чўлга келдиларми?

— Келди,— деди, Бургут кулиб,— юринг, сизни домла билан таништириб қўяй.

Икковлашиб боғ учун ажратилган қўриққа қараб кетдик. Ҳаво булутли бўлса ҳам, чўл устидан илиқ шамол эсарди. Кафтдек текис ерларда қор кўринмас, фақат ҳар ер, ҳар ерда йиғилиб қолган кўлмак сувлар худди осмондек кул ранг тусга кирган, эсаётган шамолда уларнинг бети жимирлаб, қўрғошиндек ожиз йилтираб қўярди.

Шохлари яланғочланиб қолган бута остидан иккита қирғовул патиллаб кўтарилди-ю, сал нарироққа бориб тушди.

— Эҳ, қўштиғ бўлмади-да... Роса семизи экан, узоққа учолмади-ку.

Бир оз жим бордик.

— Домла ёнига Тўппонча полвон билан Ёғоч полвонни олиб, бир кечадаёқ боғидаги янги ёш кўчатларни ковлаб икки грузовойда чўлга олиб келди. Ҳозир болалар ҳавонинг ғаниматида ола-тасир кўчат ўтқазишяпти. Ҳозир чўлга домланинг ишқи тушиб қолган. Келганидан бери районга икки марта тушди, холос. Ўзи ҳам боғмисан-боғ бўладиганга ўхшайди.

Дўнг ошганимиздан кейин бундан уч ой аввал кўрганимда канавакопатель ариқ қазиётган жойда қатор ўтқазилган ниҳолларга кўзим тушди. Уч-тўрт одам бир жойга ғуж бўлиб нимадир қилаётган эди. Қадамни тез-

латиб уларнинг олдига бордик. Ёғоч полвон билан Тўппонча полвон ёш ниҳоллар танасига оҳак суртишаётган экан.

— Домла қанилар?— деди Бургут.

— Ҳозир келиб қоладилар,— деб жавоб берди Ёғоч полвон, афтини буриштириб, қаддини ростлар экан.

Ёғоч полвонга энди сал-пал жир битиб қопти. Тўппонча полвон эса ҳали ҳам ўшандек чаққон, сер мулозимат. Чиройли кўзлари порлаб турибди.

— Бу чинқарча кўчатларни оҳаклайман деб белим қотиб кетди. Манави пакар энгашмай тик туриб оқласа, мен икки букилиб оқлаяпман!

Дарҳақиқат, бу узун бўйли йигитга ҳадеб энгашавериш осон тушмас эди. Тўппонча полвон пичинг қилди.

— Ҳозир менга маза-ю сенга азоб, ўрик пишганда сенга маза-ю, менга қийин бўлади. Негаки сен тикка туриб узаверасан, мен бўлсам тегимга тўнка қўйиб чўзиламан.

— Сенга бу домла ҳали-бери ўрик уздириб қўя қолмасов, нима дейсан, Бургут?

Бургут унинг бу гапига кулиб қўя қолди. Чўққи соқол, бошига пати тўзиб кетган сурма ранг дўппи кийган, кўзойнакли олтмиш ёшлардаги чол велосипед миниб келиб қолди. У, у ёқ-бу ёққа қарамай, салом-аликни ҳам унутиб Бургутга бир қоғоз узатди.

— Телеграммага жавоб. Шредер станциясидан уч юз туп кўчат оладиган бўлдик. Раисга айтсангиз: иккита грузовой берса, эртага Тошкентга кетаман. Мирзачўлдаги тажриба станциясидаги агроном Эшонхонов билан

бирга ўстирган кўчатларимиз бор. Қайтишда ола келаман. Қалай, маъқулми?

Чол гапини тугатиб бўлгандан кейингина биз билан кўришди. Кўришди-ю яна ўз гапи билан овора бўлиб кетди.

— Ҳаво роса бўлиб берди. Кўчат ҳозир маст уйқуда. Кўчатни уйқусида босган ютади. Эрталаб Риштондан элликта кўчат келади. Агар Тошкентга кетиб қолсам, Бургут болам, ўзингиз бош бўлиб анави радга эктирасиз-да!

Ўрик домла ёнгинасида турган кўчатнинг узун бир новдасини эгиб, гул қайчи билан кесаётганда, Бургут қулоғимга шивирлади:

— Бўлди энди, ўрикдан бошқа гап йўқ. Сув ичмай икки соат гапиради.

Дарҳақиқат, Ўрик домла ўрикдан гапириб кунни кеч қилса-я! Қантак ўрикнинг ватани асли Риштон бўлиб, Конибодомга кейинчалик бориб қолгани, оқ ўрикнинг Риштондан кўра, Андижонда яхши ҳосил бериши, «пошшойи»нинг туршагидан қилинган шарбатни баҳорда ичилса, меъдани тозалаши, хашаки ўрикнинг қоқисини молга қайнатиб ичирилса қўтир бўлмаслиги, «Қал йўлдош»дан солинган баргакни олтин гугуртнинг тутунига димласа, худди тиллага ўхшаб сап-сариқ бўлишини роса тушунтириб кетди.

Унинг гаплари мени асло зериктирмас эди. Ўз ҳунарига бутун умрини бағишлаган бу қария етук бир олим бўлиб туюларди. Ахир, у олтмиш йиллик умрида хасислик билан кўкартирган қанчадан-қанча кўчатлари бутун бир водийнинг саноқсиз боғларида яшнаб турганини ўйлаганим сари унга ҳавасим ке-

лар, юрагимда чуқур ҳурмат туйғулари кўзғаларди.

Кеч кириб атрофни қоронғи босди. Узоқда, янги посёлкада чироқлар милтиради. Тўртовлон орқага қайтдик.

— Домла,— деди Бургут йўлнинг ярмига етганимизда,— Тошкентга кетмасингиздан аввал қудангизникига бориб, келинни кўриб кетсангиз бўларди.

Чол нимадир деб тўнғиллади. Чўл шамоли унинг овозини орқа томонга олиб кетди. Яна озроқ йўл юрдик.

— Бир халта данак-а, Ҳиндистондан, Афғону Арабистондан, Қашқару Қашмирдан келган данаклар эди-я. Э, аттанг!

— Бўлар иш бўлди, домла, энди ярашиб кўя қолинг. Кечиринг уни, билмасдан қилган-да.

— Сира кечирмайман. Бир халта данак энг камида икки юз туп кўчат бўлар эди. Қанақалигини ҳам билолмай қолдим.

Чол энди бошқа гапирмади. То қишлоққа етиб келгунимизча ундан садо чиқмади. Келини еб қўйган данаги юрагини яна эзиб юборди шекилли, «степторг»нинг автолавкаси олдида биз билан хайрлашар экан, бўшашиб қўл узатди. Дўкондан тушиб турган чироқ шуъласида унинг юзлари худди ғижимланиб, ўзи бирдан қариб қолгандек кўринди.

— Кўрдингизми ўжарлигини,— деди Бургут, уйга кирганимизда.— Данак воқеаси жуда ёмон таъсир қилган, қачон эзмалик қилиб гапни-гапга қовуштирмаса атайин данакдан гап очиб қўяман. Дами ичига тушиб кетади.

Ҳозир дунёда битта душмани шу келини, кўрарга кўзи йўқ.

Биз Бургут икковимиз алла-паллагача ухламай, чўл ҳақида, чўлни ўзлаштираётганлар ҳақида гаплашиб ётдик. Боя домла ўрик ҳақида қандай тўлиб-тошиб гапирган бўлса, Бургут ҳам қулфи дили очилиб, чўл ҳақида худди шундай мириқиб гапира кетди. У шундай яйраб гапирар эди-ки, етук бир шоир ҳам чўлни унчалик таърифлай олмас эди.

— Биласизми, меҳмон, ёз кечалари уйдан дайдиб чиқиб кетаман. Осмон тўла юлдуз, ой чўл устига келганда пастлаб ўтади, ё менга шунақа туюладими, ё ростдан ҳам ўзи шунақами — билмадим. Тунда турна учганини кўрганмисиз? Мен жуда кўп кўрганман. Жуда гаштли бўлади. Худди қўй ҳайдаган подачига ўхшаб «қуре-қуре» деб осмони заминдан ўтаверади. Айниқса ойдин кечасидагининг гашти бошқача бўлади. Синкага солинган оқ дока орқасидан учиб ўтаётганга ўхшайди. Шамол қишлоқ томондан ғалати ислар олиб келади. Қўйингчи, чўлда ёз кечаси чалқанча ётиб ухламаган одам, бу гапларнинг маънисига етмайди.

Бургут яхши бир қўшиқ эшитаётгандек тез-тез кўзини юмиб паст овоз билан гапирарди.

— Хай, майли ухлайлик энди, меҳмон.

Бургут эндигина кўрпага бурканган ҳам эдики, кўча томондаги деразани биров чертди.

— Бургут болам, мен! Тўппончага айт, отни берсин. Қишлоққа тушиб чиқаман.

Бургут шошиб кийиниб чиқиб кетди. Уи-

ўн беш минутлардан кейин қайтиб келди. У уйқули кўзларини ишқаб, ҳадеб кулар эди.

— Ўрик домланинг келини ўғил кўрипти. Оғзининг таноби қочган. Бир жойда туролмайди. «Ҳиринг-ҳиринг» кулади. От олиб бердим, қишлоққа кетди. Боя келинини кўргани кўзи йўқ эди, ҳа, фарзанд экан-да! Туғруқхонадан чиқиши билан чўлга кўчириб келаман, дейди. Ҳали кўрарсиз, невара тўйи қилиб беради. Пул кўп бу чолда. Тошкентда ўрик хусусида мана бундоқ катта китоби чиққан. Ҳа, айтганча, кинони кўрдингизми? Қизталоқ киночилар худди ўзимни опти-қўйипти-я. Қурултойда қўйиб беришди. Мирзачўлдаги Ғанишерни ҳам олишган экан. Делегатлар икковимизга ҳам «эрийсанлар» деб туриб олишди. Меҳмонхонада зиёфат қилиб бердик, Ғанишер билан уриштириб ичдим. Икковимиз ўша ерда қўл олишдик. Нима дейсиз, меҳмон? Ғанишер зўр-а?!

— Сиз ҳам чакки эмассиз,— дедим.— Ахир, сизни кимсан Чўл бургути дейишади-я!

— Мен Чўл бургути бўлсам, Ғанишер Мирзачўлнинг шери.

— Шер билан бургутнинг ташлашгани қизиқ бўлади.

Бургут кула-кула чироқни ўчириб кўрпага кирди. Уйқум қочди. Кўзимга чўл ўртасида отини елдириб кетаётган Ўрик домла кўриниб кетди. Назаримда у булутлар орасида гоҳ ёниб, гоҳ ўчиб турган юлдузларга, отининг ёлини сийпаб ўйнаётган чўл шамолларига ҳам ўрик ҳақида гапириб бораётгандек, атрофида ястаниб ётган текис чўлга ўрик кўчатларини бир текис тикиб кетаётгандек, янги

туғилган неварасига саватда ўрик олиб бораётгандек эди.

Чўлларда бошланган янги ҳаёт ва янги одамларнинг қиссасини ёзиб тугатиб бўлармиди!

Бу қиссанинг ҳам ҳали давоми бор.

*1959 йил.*

---

## ЛОЧИН

Эрталаб Ўрик домла райондан қайтиб келди. Унинг оғзи қулоғида, қиқир-қиқир кулади.

— Невäралар муборак бўлсин, домла,— деди Бургут унга чой узатар экан.

— Қуллуқ, қуллуқ, болам, омон-эсон қутулибди, ишқилиб.

Домла чой устида қизиқ бир ҳангомани айтиб берди.

— Туғруқхонага кетаётсам райторг Умаралининг уйида қарс бадабанг, ўйин-кулги. Қизини чиқазаётган экан. Эшигининг тагига машина тиқилиб кетган. Ичкарига қисташди, узримни айтдим. Қайтишда киришга ваъда бериб ўтиб кетдим. Кўнглим хотиржам бўлиб қайтиб келсам тўйхонада ола-тасир тўполон. Умарали ғирт маст, оғзидан боди кириб, шоди чиқиб хотинини сўкади, ёр-ёр айтаётган яллачининг қўлидан чирмандасини олиб кўзимнинг олдида жаҳл билан кетмон дастасига уриб қолса бўладими, чирмандани дастага тешик кулча қилиб кийгизиб қўйди. Нима бўлганлигини ҳеч ким билмайди, ҳамма ҳайрон.

Куёв Умаралининг этагидан ушлаб олган.

Худди янги туғилған бузоққа ўхшаб оёғида аранг туради. Юрса гандираклаб кўрга ўхшаб одамларни пайпаслайди, оз бўлмаса ер ўчоққа тушиб кетай деди. Хайрият ошпаз этагидан тортиб қолди.

Шивир-шивир гап бўлиб қолди. Нима дейсан, келин хуштори билан қочиб кетибди.

Ичкари ҳовлидан хотин кишининг чапак чалиб йиғлагани, эркак кишининг сўккани эшитилди. Тўй тарқади. Куёвнинг отаси берган қалинини қистаб қолди. Умарали сатта ўзини мастликка солиб гапни чалғитади.

— Топаман, ернинг қаърига кириб кетган бўлса ҳам тортиб чиқаман. Осмонга учиб кетган бўлса бор мулкимни —«Победам»ни ҳам, хотинимнинг бўйнидаги ўн тўрт қават дурни ҳам, ҳовли-жойни ҳам сотаман. Спутник сотиб олиб орқасидан қувиб чиқаман.

Умарали шу гапларни айтди-ю, сабзи тўғраб қўйилган бўйранинг устига йиқилиб, учиб қолди. Куёв боя қайнатаси чирмандасини тешиб қўйган ялачининг пешонасини силаб, толеи йўқлигидан,. аввалги хотини ҳам бевафолик қилиб бошқа бировга тегиб кетганидан нолиб, йиғи бошлади. Ялачи шилқимлик қилаётган «бетоле» куёвни силтаб ташлаб чиқиб кетди.

Хижолатликда томоғимдан бир қултум ҳам чой ўтмади. Чиқиб кетдим.

Урик домла ҳикоясини тугатиб, совуб қолган чойни шимирди.

Мен унинг гапларига қулоқ солиб ўтириб, «ҳаҳ ўрик аралашмаган гапинг ҳам бор эканку!» деб дилимдан ўтказдим.

— Хай майли, болам, энди менга жавоб.

Ҳаво яшнаб кетди, қўчатлардан хабар олиб қўяй.

Чол хайрлашиб чиқиб кетди. Бургут кўчагача уни кузатиб, қайтишда олтмиш ёшлардаги кампирни бошлаб кирди.

— Хизмат, ая, бобой яхши юрибдиларми?

— Шукур, шукур, болам.

— Ғанивой қалай, кўринмай қолди-ку!

Кампир Бургутнинг сўроғига жавоб бермай кўзини ерга қаратди.

— Нима бўлди?

Кампир бесаранжом бўлиб қолди.

— Йўқ, ҳеч гап бўлгани йўқ.

— Айтаверинг.

— Ўзингизга айтадиган гапим бор.

Буларнинг гапига ҳалақит бераётганимни сезиб қолдим. Кампир хушёрлик қилиб Бургутни ҳовлига имлади. Унинг кетидан чиқиб кетган Бургут анча ҳаяллаб қолди, сал фурсатдан кейин ҳовлидан унинг ўтин ёрганлек қарсиллаб кулгани эшитилди.

Бургут уйга қайтиб кирар экан ўзидан-ўзи кулар, ҳадеб «маладэс, маладэс» деяр эди.

— Қани юринг, меҳмон, бир жойга бориб келамиз.

— Бир гап бўлдими, тинчликми?— дедим ҳайрон бўлиб.

— Бир гап эмас, минг гап деяверинг, юринг, йўлда айтиб бераман.

Ташқарига чиқдик, ёлғиз оёқ йўлдан чўлни кесиб Қўшоқ ота звеносига қараб пиёда жўнадик. Олисда, шу йўлнинг уфққа сингиб кетган жойидан бояги кампир ҳассасига таяниб жадал борар эди.

— Хўш, десангиз, мен сизга айтсам, боя Урик домла айтган тўйдан келинни ҳалиги кампирнинг ўғли олиб қочган экан. Ярим кечаси «Победа»да олиб келибди. Кампирнинг ўтакаси ёрилиб тонг отгунча мижжа қоқмай ана шарманда бўламан, мана шарманда бўламан, деб юрагини ховучлаб чиқибди. Қизнинг отаси Умарали закончи, кўп одамга зулмини ўтказган ярамас нарса. Бечора кампир, Ғанивойга насиҳат қил, қизни элтиб қўйсин деб келибди.

— Қиз билан Ғанивой аввалдан дон олишиб юришармиди? — дедим, қизиқиб.

— Дон олишганда қандоққи, иккови ўнинчини бирга битирган, битиргандан кейин Фарғонага бориб тракторчилар курсида ҳам бирга ўқиб келишган. Ўзи жуда сулув қиз. Шаддодликда тенги йўқ. Эсимда бор, ёш вақтида ўғил болалар билан кураш тушаверарди. Кап-катта болаларни уриб йиғлатарди. Зўр нарса ўзи. Бир йилча бўлди отаси ишга чиқазмай қўйган. Бўлмаса МТС да бинойидек ЧТЗ ҳайдаб юрган эди, медаль ҳам олган. Ишга чиқмаганига Райком комсомол ҳам аралашди, нима бўлди-ю, иш босди-босди бўлиб қолаверди. Умарали закончи йўлини қилган-да. Худо урган ярамас одам дедим-ку сизга, боя. Яқинда шивир-шивир гап бўлиб қолди. Умарали қизини истансадаги дорресторанннинг буфетчисига бераётганмиш деб эшитдик. Аламига чидолмаган Ғанивой маст бўлиб буфетчининг бошига бутилка билан уриб, ўн икки кун мелисада ҳам ётиб чиқди. Қизни астойдил яхши кўрар эди-да. Бу ҳам ўзи боевой бола. Ориятли кучли. Игнани туш-

га ботириб, билагига санчиб, юракнинг суратини уч бурчак қилиб ишлатибди, бир ёғига Ойша, бир ёғига Ғани деб ёзиб қўйибди, вой тентаг-ей. Шу қилиғига комсомол мажлисида роса ўсал қилишган.

Гап билан бўлиб Кўшоқ отанинг қўрғонига етиб қолганимизни билмай қолибмиз. Кўшоқ ота тутнинг тагида чўққайиб букиб қолган сигирга туз ялатаётган экан, бизни кўриб ўрнидан турди.

— Келдингми, болам, э меҳмон, зерикиб қолмадингизми?

Чолнинг бу гапидан, сен нима қилиб юрибсан, сени чақиртирганим йўқ эди-ку, деган маънони англаб жуда мулзам бўлдим.

— Ғанивойнинг ўзи қани?— деди Бургут чолга.

— Уйда, иккови ҳам уйда. Бўйнинг узилмагурларнинг қилган ишини қара. Энди нима қиламиз.

— Ҳайронман,— деди Бургут елкасини қисиб.

— Ичкарига киринглар, яхшилаб насиҳат қилинглар, маломатга қолмайлик.

Ҳовлига кирдик. Жуда ҳам чиройли, йигирма тўрт ёшлардаги, қомати худди қуйиб қўйгандек бир қиз, ариқ бўйида жомашовда гупиллатиб кир ювяпти. Ҳавонинг салқин бўлишига қарамай, майка кийган шоп мўйлов йигит беҳи шохига кир ёйиш учун арқон боғлаяпти. Қиз бизни кўриб тиззасига йиғилиб қолган этагини тушириб ўрнидан турди.

— Ие, келинглар,— деди, шоп мўйлов йигит арқонни ташлаб кўришгани қўл узатар экан.

— Ҳа, Ғанивой,— деди, Бургут қизга имлаб,— елмай-югурмай куёв бўлиб олибсанми?

— Нега елмай-югурмай бўлар экан, кеча тўйимиз бўлган, фақат тўй харажатини буфетчидан насия қилдик-да,— деди кулиб,— қани ичкарига киринглар, Ойшахон, чой қўйиб юборинг, дарров.

Ойшахон айвон лабида турган оқ самоварни кўтариб ошхона томонига ўтиб кетди. Кампир кирди.

— Узинглар тушунтиринглар, гапиравериб жағимда жағ қолмади.

Қўшоқ ота гапга аралашмади, хонтахтанинг четида болишни бағрига тортиб нималаридир ўйлаб тек ўтирарди. Кампир ўзлариниг бир нима денглар, дегандек бизга қаради. Ҳамма жим. Бу жимликни Қўшоқ ота бузди.

— Жуда хунук иш бўлди-да. Онаси зор қақшаб қидириб юргандир. Отаси бўлса...

Чолнинг гапи оғзида қолди, Бургут «Отаси чорт сним» деб русчалаб юборди.

— Фарзанд-да, ахир. Бўладиган бўлса очиқ-ойдин қилиш керак эди, эртага элнинг оғзига тушади, унда нима деган одам бўламиз, халқ нима дейди?

— Халқми,— деди Бургут,— халқ маладэс, дейди.

Боятдан бери судга тушган гуноҳкордек ҳамманинг кўзига қараб ўтирган Ғанивойга бирдан жон кирганлек бўлди.

— Э, дийдорингдан айланай, Бургутим, гапир, гапир шунақа.

Кампир топиб келган насиҳатгўйидан куйганини билиб қолди.

— Энди гап шу,— деди Бургут, чўрт кесиб,— Ғанивой жуда бопта иш қипти, бунақа ишни йигитнинг хўрози қилади. Қиз рози, йигит рози, вассалом. Ким нима деса деяверсин. Маладэс! Қизни зўрлаб сотадиган замон ўтиб кетган.— Бургут ҳовли томонга қараб қичқирди.— Ҳў, Ойшахон, синглим, бир баққа қараб кетинг!

Ойшахон деразадан қаради.

— Шу иш сизнинг розилигингиз билан бўлганми, тўғрисини айтаверинг.

— Агар ўзим рози бўлмасам, тракторга сурғатиб ҳам опкелолмасдилар.

— Шу гапдан қайтмайсиз, а? Бўпти, битта универсаль сизники, потиллатаверасиз. Қайси звенога қўяйлик.

— Эрим қайсинда бўлса мени ҳам шунга...

— Вой шўрим,— деди кампир юзини тирнаб,— на никоҳ, на закска қоғози, эрим дейди-я... Вой мусулмонлар, ҳеч бўлмаса Ўрик домлани чақириб никоҳлаб қўйинглар.

— Кўп вайсама,— деди чол зарда билан,— Ўрик домла сен айтган диний домлалардан эмас, илм домласи, янгича китоб ўқийдиган домла! Розиман, раҳмат сизга, қизим, бир боламни шунча иззат қилиб осмон никоҳини бузиб кепсиз, юрагингизга балли. Энди мундоқ қилсанглар, эртага район тушиб дадангиз билан энангизга юз кўрсатиб келсангиз. Ҳарна қилса ҳам фарзандлик қарзи. Майли Ғани ҳам борсин.

— Бормайман!— деди Ойша қатъий қилиб.

— Жон болам, айланай болам, энангизга раҳмингиз келсин.

Маслаҳат билан Ойша уйга бориб keladиган бўлди, фақат уч кундан кейин, эри билан бирга бормоқчи бўлди.

Бургут қизиқчиликка уларни «никоҳлаб» қўйди.

— Биби Ойша, ибни Умарали қизи, Ёзёвон РТС механиги, комсомолнинг етти йиллик аъзоси орденли Ғани Қўшоқ ўғлини никоҳингизга қабул қилдингизми?

— Пажалста қабул қилдим,— деди Ойша учун атайин хотинча ингичка овоз билан Ғанивой.

Ойшанинг ўзи ҳам пиқиллаб кулиб юборди.

Эртасига чиллали келин Бургутнинг участкасига шудгор кўтаргани универсаль миниб келди. У қулоғига бир даста гунафша қистириб олган, атайин келинлигини билдириш учун юзига билинар-билинмас қилиб упа қўйиб, кўкрагига пастга қаратиб чучмўма тақиб олган эди. Ундан гуп-гуп атир ҳиди анқир эди.

Бургут унга ҳайдаладиган ерни кўрсатиб берди. Ойша моторни ўт олдириб рулга ўтирмоқчи бўлиб турган эди, узоқдан мош ранг «Победа» кўринди. Ойша бир нима сезгандек қўл силтаб тракторни ҳайдаб кетди. Қиши билан қор сувини шимиб кўпчиган ер палахса-палахса бўлиб кўча бошлади. «Победа»— келди. Ундан шиқакайф «куёв» тушди. У ёқбу ёққа қарамай трактор кетидан югурди. Ойша атайин уни кўрмаганга солиб руль бошқариб кетаверди.

— Тўхта, ўттиз икки минг сарф қилганман, судга бераман.

Ойша қўл силтади. Куёв елдек югуриб трактордан ўтиб кетди-да йигирма метрча нарига бориб йўлга узала тушиб ётиб олди.

— Ўлигимнинг устидан ўтасан.

Трактор унга тўрт метрча қолганда тўхтади.

— Тур-э, бетинг қурсин. Ҳозир босиб қурвақадек эзиб кетаман...

— Ўзимни осаман, жавобгар бўласан.

Ойша трактор орқасидаги бир ўрам арқонни олиб унга улоқтирди.

— Ўзингни оссанг, ҳув ана, сим тортилмаган столба бор.

Ойша зарда билан яна рулга ўтирди. Унинг ҳаракатларини кузатиб турган Бургут:— маладэс!— деди.

Ойша юриб кетаётган трактор устида тик туриб орқага қаради. Унинг бу қараши негадир менга лочинни эслатди. Буни Ўрик домла ҳам пайқаб турган экан.

— Ҳа умрингдан барака топ, лочиннинг ўзисан-а!— деб юборди.

Мен чўлда рўй бераётган бу ҳодисаларни, чўл бағрига қўл солиб унинг яширган бойликларини тортиб олаётган бу танти — мард одамларни кўриб юрагимдан уларга таҳсин ўқидим.

Чўл бургути ёнига йигитларини олиб Ўрик домла обод қилган янги боғни айланиб каналдан лой чиқазаётган экскаваторчилар олдига от чоптириб кетди. Чўлнинг уфқ билан туташган ерида уларнинг сояси кўринди. Олдинда Бургут елиб боради, ортидаги йигитлар гоҳ олдинга ўтиб, гоҳ кейинда қоларди.

Уларнинг бу кўриниши худди Бургут болаларини парвозга ўргатаётганга ўхшарди.

Урик домла билан икковимиз қолдик. У яна ўрикдан гап бошлармикан деб қўрқиб турган эдим, йўқ, иши қистов экан, боғига кетди.

Елғиз қолдим. Ойшанинг трактор ҳайдашини кузатиб туриб хаёлга толдим. Бургутнинг йигитлари парвоз қилган чўлга яна бир лочин учиб келгандек бўлди. Бу шундай лочинки, на унинг қанотини қирқиб бўлади, на қафасга солиб бўлади. У қафасни парчалаб кенгликларга парвоз қилган шаддод чўл лочини эди.

*1959 йил.*

---

## МУҲАББАТНИНГ ТУҒИЛИШИ

Кеча жуда ойдин эди. Азамат теракларнинг япроқлари кумуш астарларини ойга тутиб ором уйқусига кетишган. Фақат ариқлардаги тинмагур сувларгина қўнғироқ чалиб сапчишади, қирғоқлардаги гиёҳларнинг баргларини тортқилаб уларни узоқларга олиб кетмоқчи бўлишади. Уяларида мудраган қушлар эса уйқусираб патирлаб қўйишади.

Шу ором ва фароғатга тўла саратон тунида боғ кўчадан бир қиз билан бир йигит келади. Уларнинг соялари олдинга чўзилган, худди шу сояни босиб олмоқчи бўладилар-у, етолмайдилар. Баъзан уларнинг бу узун соялари дарахт сояларига қўшилиб кетади-да, яна пайдо бўлади.

Улар анҳор кўприги устида тўхташди. Икковининг сояси кўприк устидан кўндаланг тушиб ётиб олди.

— Қачон кетасан?— бу қизнинг овози эди.

— Ҳозир кетаман!— деди йигит бир қадам орқага тисарилиб. Унинг сояси кўприкдан ошиб сув бетига тушди. Ойнинг сув жимиридаги чақини ўчди.

— Йўқ, Мирзачўлга қачон кетасан, деяпман.

— Бирон ҳафтадан кейин кетсам керак,— деди йигит, бепарволик билан. Энди у яна олдинга чўзилди. Сув жилвасида яна ойнинг кумуш тангаси чақнади.— Узи уйинг қаёқда? Етай деб қолдикми?

Қиз орқасини ўгириб олди.

— Ун йил бирга ўқиб ҳалигача уйимни кўрмагансан-а, қўй-э.— Унинг овозида қандайдир ўпками, таънами, нимадир бор эди.

Улар бир неча минут сўзсиз туриб қолишди. Қиз кўприк панжарасига бағрини бериб, сув оқиб кетаётган томонга қараб турарди. Сув шалоплаб соҳилга урилади, орқага қайтмоқчи бўлади, аммо оқим кучи уни қуйига, туннинг сирру-сеҳрига тўлган қўйнига олиб кетади.

— Совуқ қотдим,— деди қиз титраган товуш билан.

— Уйингга кета қол бўлмаса,— деди йигит унга раҳми келиб.

Қиз кескин бурилиб йигитга қаради. Қаради-ю, унинг кўзига тикилиб индамай қолди. У вужудида, қалбида нималар бўлаётганини билмасди. Унинг гоҳ йиғлагуси, гоҳ кулгиси, гоҳ бутун кечани остин-устун қилиб қўшиқ айтгуси келарди.

— Кетаман, хайр,— деди йигит унга қўлини узатиб, унинг ҳам қўли титрарди. Йигит бир неча қадам нари кетди. Тўхтади. Орқасига ўгирилди, нимадир демоқчи бўлди. Деёлмади. У ҳам шарақлаб оқаётган анҳорга қаради. Шамол эсди. Терак барглари шитирлади. Аллақайда бузоқ уйқисираб маъради.

Кимдир, жуда олисда қўшиқ айтди. Яна тинди. Йигит қайтиб келди-да, қизнинг билагидан ушлаб қаттиқ сиқди. Унинг сочларини қўлларига ўраб энтикди. Кейин тез бурилиб узун соясини орқасига эргаштириб кеча қўйнига кириб йўқ бўлди.

Қиз у билан хайрлашганини, билагини ушлаганини, сочларини қўлларига ўраганини сезмади. Фақат олисдан тош йўлда қўндаланг тушиб, бир кўриниб йўқ бўлган соясинигина эслаб қолди, холос. Қиз хам ўз соясини олдинга ташлаб тош ётқизилган кўчада аста-аста юриб кетди.

Бу қиз худди шу бугун ўнинчини битириб, балоғат гувоҳномасини олди. Мактаб ҳовлисида ҳали ҳам чироқлар ёниб турибди. Хайрлашув зиёфатига келган ҳамсинфлар ҳали тарқалишганча йўқ. Ҳовлини тўлдириб танца тушишяпти, қўшиқ айтишяпти. Тонг отиши билан улар ҳар томонга тарқаб кетишади. Улардан фақат бирга олдирилган суратгина ёдгор қолди, холос!

Шундаймикин?

Дўстлик-чи, ўн йиллик хотиралар-чи, бирга кечирган аччиқ чучук кунлар-чи, ҳар куни неча бор дарсга чақирган қўнғироқ товуши-чи, отадек меҳрибон ўқитувчилар-чи... Ҳаммаси энг ширин хотира бўлиб ёдда қолади. Мана шу азиз, нурга, оҳангга тўлган бегубор хотиралар орасидан бўй чўзиб, қад кўтариб, ҳаммадан олдинда, ҳаммадан баланд бўлиб Омонниниг қиёфаси кўринади. Нега?

Бу саволга қиз жавоб тополмасди. Жавоб

ҳам излаб кўрмасди. Шу ойдин кечада ҳамма нарса унинг хотиридан кўтарилди-ю, биргина Омоннинг юзи, кўзи, гавдаси, бутун борлиги билан пайдо бўлди.

У тош йўлдан битта битта босиб шу йигит ҳақида ўйлаб борарди.

Омон синфдошлар ичида энг шўх, энг уришқоқ бола эди. У қизлар билан чиқишолмас, уларга кун бермас эди. Ёнига бирон қиз ўтириб қолса зарда билан бошқа партага ўтиб кетарди. Пардоз қилган қизларни жуда ёмон кўрарди. Бир кун Санобар деган қиз юзига упа суриб келганда унинг кўлини қайириб, дастрўмоли билан юзидаги упани артиб ташлаган эди. Қизлар ҳам уни хушламас, минг хил лақаб қўйиб чақиришарди.

Имтиҳоннинг дастлабки кунлари эди. Омон синфда ҳеч ким йўқлигини билиб эшикни зичлаб бекитди-да, ғайри табиий бир товуш билан деди:

— Азиза, ўнинчини битирганимиздан кейин менга тегасанми?

Шунда Азиза жаҳл устида унинг юзига бир шапалоқ урди-да, йиғлаб чиқиб кетди. Бу сирни уларнинг икковидан бўлак ҳеч ким билмай қолди. Омон шундан кейин.қизга рўбарў келишдан қўрқиб ўзини четга олиб юрди.

Кунлар ўтиши билан Азиза ўша воқеани тез-тез эслайдиган ва ҳар эслаганида юрагининг аллақаери жиз этиб кетадиган бўлиб қолди. Ҳар гал мактаб ҳовлисига кириши билан кимнидир, ниманидир жонсарак бўлиб қидирарди. Унинг шўх, қувноқ кулгилари камроқ эшитиладиган бўлиб қолди. Ҳамиша

чақнаб турадиган кўзларида билиб бўлмайдиган ички бир дарднинг ифодаси сезилиб турарди. Омон ҳам уни зимдан кузатар, кўзикўзига тушганда бирдан тунд бўлиб қоларди.

Имтиҳонлар тугаб биров ишга, биров ўқишга кетадиган бўлди. Азиза қўйиб берса ихтиёрини Омоннинг қўлига топширишга тайёр эди. Бугунги хайрлашув кечасида Омон Мирзачўлга, МТСга кетишини айтди. Ҳамма унинг бу қарорини чапак чалиб қарши олганда Азиза бир сесканиб кетган эди. Танца бошланди. Азиза Омонни четга чақириб ундан уйига кузатиб қўйишни сўради. Омон унга жавоб бериш ўрнига:

— Бай-бай-бай. Мунча атирга беланмасанг. Роса гупиллаб кетяпти-ку,— деди.

Азизанинг «О тентак, ҳаммаси сен учун» деб юборишига оз қолди. «Кел, кузатиб қўя қол» деб ёлворди унга.

Шовқин тўла мактаб ҳовлисини ортда қолдириб улар иккovлашиб боғ кўча томонга йўл олишди. Ой нури боғу роғларга оппоқ нур сочиб турган шу сокин саратон тунида уларнинг иккови жимгина келишаркан на унисидан, на бунисидан садо чиқарди. Бу жимликни Омон бузди.

— Ўша бемаъни гапимни эсингдан чиқаз, Азиза.— У шундай деди-ю бу камгап, лекин ниҳоятда ажиб бир ҳиссу ҳаяжонга тўлган қиз олдида ўзини кўрсатиш учун азим теракними, анҳор бўйидаги шохлари тарвақайлаб кетган толними илдизи билан кўтариб осмонга отгуси келди.

Қиз ҳам унинг бу ҳолатини сезиб турарди.

— Қанақа бемаъни гап, эсимда йўқ,— деди қиз ўша «бемаъни» гапни яна эшитгиси келиб.

Омон тил чайнади.

— Ҳу, синфда икковимиз ёлғиз қолганда бир гап айтган эдим-ку.

— Ҳа,— деди Азиза чўзиб.— Ўша гапни борди-ю эсимдан чиқазмасам-чи?

Омон юришдан тўхтади.

— Унақа бўлса бу юзимга ҳам яна ур, шундай қилсанг яхши бўлади, сени кузатмай қайтиб кета қоламан.

Азиза нима дейишини билмай гангиб қолди.

— У вақтда ёш бола эдик.

— Нега ёш бола бўларканмиз. Ўн беш кун бўлди, холос. Дарров катта бўлиб қопмизда,— Омон шу гапни айтди-ю, шарақлаб кулиб юборди. Тол бутоғида мудраган мусича чўчиб кетди.

— Бўлмасам-чи, мана,— деди Азиза, шу бугун, бундан ярим соатча олдин қўлига теккан етуклик аттестатини баланд кўтарди, балоғат гувоҳномасининг зар ёзувлари ой нурида ялтираб кетди.— Мана, катта одам бўлиб қолганимизнинг гувоҳи. Энди мени ёлғиз ташлаб уйингга кетиб қолмайсанми?

— Йўқ,— деди Омон унинг билагидан ушлаб.

Азизанинг бадани дириллаб кетди. Дарров қўлини тортиб олди.

— Ўшанда юзимга ёмон ургансан-а.

— Айтдим-ку, у пайтда ёш бола эдик. Энди катта одаммиз. Энди ўша гапни айтсам урмайсанми?

— Гап билан ураман,— деди Азиза,— йўқ, урмайман, наҳотки сени урсам. Сени урадиганнинг қўли синсин.

Омон маст одамга ўхшаб каловлаб қолди. Кетма-кет уч марта қоқилди. Толнинг каллагига бошини уриб олиб дўпписини тушириб юборди. Осмонга қараб баркашдек ой баландлаб кетганини энди билди. Хўрсинди, гапи-гапига қовушмай қаёқдаги кераксиз гапларни алжий бошлади. Унинг бу ҳолатини қиз сезиб турарди.

Ҳозир у тош йўлдан битта-битта босиб ёлғиз келаркан, Омон ҳақида, ўзи ҳақида, юрагини ўртаётган алланималар ҳақида ўйлаб борарди.

Она уни кута-кута чироқни ўчирмай супа ўртасида аллақачон ухлаб қолганди. Қиз гулзор четидаги ўша супага ўтирди. Энгашиб райҳоннинг бир шохини синдирди-да, димоғига олиб келди. Райҳон иси уни чинакамига маст қилган эди. Унинг негадир ўкириб-ўкириб йиғлагуси келарди. Гуллар орасига кириб, чалқамча ётиб, қимирламай ойга қараб, то у ботиб кетгунча қараб ётгуси, шу гулларнинг ҳаммасини бирма-бир юзига суртгуси, ойнинг оқ ипак толасидек кўринмас нурларига чирмашиб ҳув ўша юлдуз тўла осмонга чиққуси, бутун оламга етгудек овоз билан қўшиқ айтгуси келарди.

Она супа ўртасида ширин уйқуда ётарди.

Э ғофил она, тур, кўзингни оч, қизингнинг юрагига қулоқ сол. Унинг қалбига муҳаббат келди. У эртага уйингни тарк этиб юрагига ўт солган йигит билан, унинг хаёлларидек кенг, этаги уфқларга туташган чўлларга ке-

тади. У ўша ерда муҳаббатидек соф, қизлик иффатидек беғубор кишилар сафига қўшилади.

Муҳаббат шундай қудратли бир кучки, кимнинг қалбига йўл топган бўлса, уни ҳам ўз йўлига бошлайди.

Кўзингни оч, она, қизингга оқ йўл тила!

*1959 йил.*

## СЕВГИНГГА СОДИҚМАН

Мактабдошим, балки мени унутиб юборгандирсан. Шундай қилишга ҳаққинг бор эди. Дилингни вайрон қилганман. Юрагингда уйғониб келаётган биринчи муҳаббат ҳисларини оёқ остига олиб тепкилаганман. Шундай бир енгилтак қизни албатта юрагингдан сидириб ташлагандирсан. Шундай қилишинг ҳам керак эди.

Кел, дўстим, юрагимни энди сенга очай. Тўлиб-тошган дарду ҳасратларимга қулоқ сол. Эҳтимол, менинг бошимга тушган фожиа юрагингнинг аллақаерида кул босиб қолиб кетган муҳаббат ҳисларини уйғотар.

Бугун жуда сиқилиб кетдим. Дардлашадиган, юрагимни эзган алам-ситамларни эшитадиган дўст йўқ. Бугун бирдан сен ёдимга тушиб қолдинг. Бирга ўқиган, бирга ўсган мактабдошлар орасида негадир сени эсладим. Билсанг, сени назаримга ҳам илмас эдим. Сен билан бирга юргани одамлардан уялардим. Сени ерда, ўзимни осмонда ҳисоблардим. Эсингдами, мени кўпчилик ўртасида «қўғирчоқсан» деган эдинг. Шунда бисотимдаги

энг аччиқ, энг ярамас сўзлар билан ҳақорат қилгандим.

Кечир, кечир, азизим. Чинакам қўғирчоқ эканлигимни энди билдим. Ҳаётнинг сўқмоқларидан ўтишга ожиз, ҳар бир арзимас қийинчилик олдида эсанкирайдиган, маънавий қашшоқ одам эканлигимни энди билдим. Беҳуда ўтган болалигим учун бугун ўзимни қарғайман, кучим кўзимга етади-ю, юм-юм йиғлаб ёш тўкаман.

Уқишлар тугаганда, мактабдошлар ҳар қаёққа тарқаб кетишди. Бири заводга, бири комбинатга кетди. Мен қўлимда етуклик аттестатим билан онамнинг эрка қизи бўлиб қолавердим. Бу орада яна икки йилни бой бердим. Ва ниҳоят, онамнинг елиб-югуриб топиб келган қалбаки меҳнат дафтарчаси билан университетга келдим. Бугун биринчи имтиҳондаёқ ким ва нималигим ўзимга маълум бўлди. Йиқилдим. Онам илмни менга сотиб олиб бермоқчи эди. У ҳалигача илмнинг пулга сотилмаслигини билмайди.

Кеча практикадан қайтиб келган иккинчи курс қизларининг ётоғига кирдим. Бирам қувноқ, бирам шаддод қизларки, ҳавасинг келади. Уларнинг бири ўн йилликни тугатгандан сўнг Оҳангарон конида пайвандчи, бири Марғилон ипак комбинатида йигирувчи бўлиб ишлаган. Уларнинг ҳар бири то университет остонасига етгунича ҳаёт сўқмоқларидан мустақил ўтган, қисқа бўлса ҳам анкетанинг бир четига ёзиб қўйишга арзигулик таржимаи ҳоли бор. Тўғриси ётоққа кирдим-у, шу меҳнаткаш, жафокаш қизларнинг энсаси-

ни қотирдим. Бўйнимдаги шода-шода марваридлар, қўлимдаги ҳинд сумкаси ва тилла соат, маникюр қилинган қип-қизил тирноқларимни кўриб ҳайрон қолишди. Шунда, дўстим, сенинг қўғирчоқсан, деганингни эсладим-у, марваридларим занжир бўлиб бўйнимни қисаётгандек, қизил маникюрлар олов бўлиб бармоқларимни куйдираётгандек бўлди. Бир чеккада шумшук бўлиб уларнинг суҳбатига аралаша олмай ўтирдим. Улар ҳар тўғрида бемалол баҳслаша оладиган, нима тўғрисида гапирса, ўз фикрини исбот қила оладиган доно қизлар эди. Улар олдида мен ҳеч нарса билмайдиган, дунёга фақат зебизийнат, пардоз-андоз учун келган бир кимса бўлиб қолдим. Бир қиз оқ штапель кўйлакка дазмол босади, бири пайпоқ ямайди, бири ҳаяжонга тўлиб университетни битирганидан кейингина эрга тегишини, эри билан Қримга бориб, денгиз бўйларида саёҳат қилишкни завқ-шавқ билан гапиради. У денгиз ҳақида гапирганда юзлари, кўзлари бирам ғалати бўлиб кетардики, беихтиёр эсинг оғиб қоларди. Мен ойим билан Қримга икки марта борганман. Денгиз ҳақида, олис ўлкалар ҳақида ўй сурмай, орзу қилмай бу бахтга эришганман. Болалик хаёллари, орзуларидан бенасиб бўлиб улғайганман. Чунки, ҳали ўйламаган, ҳис қилмаган нарсаларим муҳайё бўларди. Мен учун онам ўйларди. Ҳаётнинг фақат силлиқ йўлларида юрганман, холос. Ҳозир Қрим соҳиллари ҳақида тўлиб-тошиб гапираётган қиз денгиз тўлқинларини, оппоқ кўпикларга тўш уриб учаётган оқ қушларни фикр кўзи билан кўриб турибди. Чунки унда қалб кўзи

бор. Менчи, мен одамлар машаққат билан етишадиган бахтга жуда осон етишишга ўрганиб қолганман. Менинг юрагимда чўғ йўқ. Ҳеч ким ўт солмаган.

Ҳозир ётоқда қизлар ухлаб ётишибди. Тошкент осмонини тўлдирган саратон юлдузларига деразадан қараб ўтирибман. Ўзим ҳақимда ўйлаяпман. Мени шу кунгача қўлимдан етаклаб келган онам уйда қолди. Катта бир шаҳарда худди бир ўзимгина кимсасиз, кишиларнинг назарига тушмайдиган ожиз бир киши, биров етакламаса бир қадам ҳам босолмайдиган бир киши бўлиб қолганлигим ҳақида ўйлаяпман. Ўз ўтмишимдан бировга гапириб берадиган ҳеч нарса тополмадим-у, бирдан қўрқиб кетдим. Наҳот, таржимаи ҳолим йўқ. Дунёга келиб ҳеч нарса қилмай катта бўлиб қолсам. Бу ҳис менинг фақат жисмоний юксалган, маънавий пуч кимса эканлигимни билдирди. Қаёққа бораман, нима қиламан, қўлимдан нима иш келади? Шу турқи-атвор билан кимга ҳам керакман.

Азизим, шундай кезларда, юрагимга яқин киши тополмайдиган бир пайтда сен ёдимга келдинг. Эсингдами, каникул тугаб ўқишлар бошланганда «Ёнимга келма, мол боққансан, сендан тезак ҳиди келяпти» деб жирканардим, кошки эди, болалигим қайтиб келса-ю, мен ҳам сенга қўшилиб, колхоз подасини ҳайдасам. Адирларда, жар ёқаларида ўтга юмалаб сенинг белбоғингга тугилган кулчани сувга ботириб есам, қўзичоқларни бағримга боссам, қийнаб-қийнаб қўйиб юборсам-у, онаси кетидан сакраб-сакраб югуришини томоша қилсам.

Қишлоғимиз этагидаги адир тепасига чиқиб узоқларда ёнган чироқларни томоша қилсак, пинжингга суқилиб ҳу олисда қичқириб кетаётган поезд орқасидаги қизил чироққа қарасак. Шу темир из туташган олис ўлкалар ҳақида икковимиз ўй сурсак...

О, дўстим, шу дамларни бой бериб қўйганман. Энди ҳаётимни қайтадан бошлашга уриниб кўрсам, дейман. Ё кечикдимми?

Имтиҳон комиссиясидан ҳужжатларимни қайтариб олдим. Онам топиб келган қалбаки меҳнат дафтарчасини йиртиб ташладим. Ҳаёт билан баробар қадам ташлаётган, ўз бахтини ўз меҳнати билан яратаётган кишилар орасида қоқилиб яшашни истамайман. Мени табрикла, оқ йўл тила. Эртадан менинг ҳам таржимаи ҳолим бошланади, ҳақиқий меҳнат дафтарчасига исмим ёзилади. Тирноқларимдаги қизил бўёқларини қириб ташлайман. Шу тонг Тошкент устида ҳайқирадиган биринчи гудок юз, минглаб меҳнат кишилари қатори мени ҳам уйғотади, ишга чақиради. Энди меҳнат нонини, ўз меҳнатимнинг нонини ейман. Менга ҳақиқий ҳаёт, чинакам инсон ҳаёти қайтиб келди. Билсайдинг, муҳаббатингга, илиқ-иссиқ сўзларингга зорман.

Қадрдон дўстим, азизим, мени сев, севгингга содиқ бўламан!

Тонг отяпти. Юлдузлар бирин-кетин ўчяпти. Ҳадемай офтоб юз кўрсатади. Ҳу ана, чинор учлари йилтираб қолди.

Умримда биринчи мартаба тонгни орзиқиб кутиб оляпман. Ҳа азизим, бу тонг ростдан ҳам янгидан туғилаётган дўстингнинг ҳаёт тонгги бўлиб қолади.

*1959 йил*

## ҲОДИВОЙ

Теримга тайёргарликнинг бориши ҳақида Ҳодивой раис ахборот берар экан, пастдан луқма ташлаб унинг гапини-гапига қовуштиришмади.—«Ҳой, Ҳоди, сенсиз тайёргарликни кўриб қўйганмиз. Яхшиси курортда қанақа дам олганингни гапириб қўя қол!

Раис «гапирайми-йўқми, бирпас хап турсанглар-чи» дегандек қилиб залга қошини кериб, елкасини қисиб қаради.

— Пилла хусусида тил қисиқлик жойим йўқ. Планни бир юз ўн бир процент қилиб қўйганман. Пахтани ҳам бир юз ўн бир бўлмаса ҳам юздан оширишим турган гап. Райондаги катталарга шунақа деб ваъда берганман. Чорвом ёмон эмас. Ҳар сигирдан етти юз литрдан соғиб олсак...

Раиснинг гапи оғзида қолди. Ўрта қаторда ўтирган ойболта соқолли киши луқма ташлади:

— Уни ундоқ бажардим, буни бундоқ бажардим, деяпсан. Қойилмиз. Нега энди сут масаласига келганда «мунча соғиб олсак» дейсан? Уни ҳам соғиб олсам, дея қол!

Раиснинг жон-пони чиқиб кетди.

— Уста, аскияни чойхонага чиқиб қиласиз. Бу мажлис. Гапингиз бўлса панада сасимай манави ёққа чиқиб гапиринг!

— Шунақами? Мажлисчасига гаплашайми? Менга сўз беринглар!

Уста елкасига ташлаб олган чорсисини белига сириб боғлаб, минбарга чиқди.

— Ҳодивой, аччиғинг чиқмасин-ку, анчадан бери гапингдан латта ҳиди келадиган бўлиб қолган. Энди сен айтадиган гапингни дилингда пухталаб тур. Қизишиб кетсанг, мендан кейин яна сўз оласан.

Уста мажлис аҳлига қараб бирпас ўйланиб турди-да, гапира кетди:

— Йигирма уч йилдан бери колхозда аъзо бўлиб биринчи марта даврага чиқиб гапиришим. Гапим мажлиснинг гапига ўхшамаса айбга буюрмайсизлар. Хўш десангиз, мана шу раисимиз Ҳодивой билан болаликдан тепкилашиб ўсганмиз. Бир отинойида ўқиганмиз. Аммо, Ҳоди болалигида ҳам сал ғўдайганроқ эди. Шунинг учун ҳам ўртоқларимиз уни Ҳодивой отига мослаб «Ходавой» деб аташарди. Шу отинойининг Тўхтахон деган кекиртагидан оқма қизи бўлгувчи эди. Кимки уни опичиб юрса, ўқишдан озод бўлар эди. Ҳодивой ҳар куни уйидан ёнғоқ, туршак олиб келиб ҳаммадан олдин Тўхтахонни опичиб оларди-ю, кечгача маза қилиб йўқ бўлиб кетар эди. Ҳодивой тахтадан ҳафтиякка ўтибдиямки, елкасидан Тўхтахон тушмади.

Пастдан, кераклн гаплардан айтинг, одамларининг вақтини бекорга олманг деган овоз чиқди.

— Шошилманглар. Бердисини айтгунча сабр қилинглар. Бу Ҳодивойнинг болалигидаги шайтонлигидан бир ҳикоя, холос. Энди, ҳозиргисини айтамиз. У то раис бўлгунча селсоветнинг ўғлини опичиб юрарди. Исполкомнинг қайниси ўғил тўйи қилганда тўй болани опичиб гулхан атрофидан айлантирган ҳам шу Ҳодивой эди.

Залда ғовур-ғувур гап бошланди. Устанинг гапларидан энсаси қотиб ўтирган Ҳодивой раис «шахсиятга тегилмасин» деб қўйди.

— Хўп, жоним билан,— деди уста қўлини кўксига қўйиб,— энди колхоздаги ишлари ҳақида гапираман. Ҳодивой, пилла планини бир юз ўн бир процент қилдим, дейди. Зинҳор қилдим, демасин, қилдик десин. Планни тўлдирганлар бошқа. План мана шу бир юз ўн бир процент бўлгунча, йигитларимизнинг пешонаси юз ўн биттадан ғурра бўлди. Сабаб, раис супрадаги унга қарамай тандирга ўт қалайдиган хилидан. Колхоз ерини дурбин билан қидирсанг ҳам тут дарахтидан нишон топмайсан. Акам орқа-ўнгларига қарамай, қурт уруғига зўр берадилар. Қурт даҳага кирдими, колхоз араваси кетма-кет шаҳарга ғириллайди.

Маҳаллама-маҳалла изғиб, ўсма кетди, сурма кетди деб юрадиган чор бозорчига ўхшаб бировларнинг тутини кесиб юради. Кестиришга биров унайди, биров унамайди. Ана бир йил кестиради, икки йил кестиради. Наинки ўн йилдан бери аҳволимиз шу бўлса! Бу йил эрта кўкламда қанақа ҳангомалар бўлдики, барг кесиб келган давангидек йигитларнинг кўпи шаҳарлик хотинлардан калтак еб,

чаккасини ғурра қилиб келишди. Инсоф ҳам керак-да! Шу ўн йил ичида кўчат ўтқазганимизда биласизми, қанақа катта тутзор бўларди? Гапирганмиз. Қулоқ солмаган. Шаҳарда маржондек оппоқ бўлиб турган тутини кестириб қўядиган анойилар бор-да! Энди яна битта гап: ўтган йили пахтани қойил қилдим, дединг. Ҳоди, мингбаҳ мундай дема! Қойил қилдик, дегин. Экканлар ҳам, терганлар ҳам бошқа. Сен чигит экканимизда жағингга тилла тиш қўйдиргани Марғилонга кетган эдинг. Авжи ғўза парвариши вақтида қайтиб келдинг. Далага чиқмай бир-икки ҳафта уйингда қайнатма шўрва ичиб ётдинг. Ғўзани қўндалангига ишлаётган университетчиларнинг ёнингга олиб «Волга»га олгани Тошкентга кетдинг. «Волга»га тушиб йўл-йўлакай Шоҳимардонни, Почча отами роса айланиб келдинг. Кўзингни оч, бу йил мунақаси кетмайди. Кузда ҳашарчини пахтага йўлатмаймиз. Машинада ўзимиз терамиз. Терим машинаси деса, қийшанглайдиган бўлиб қолибсан, бу қилиқ қаёқдан чиқди? Эгнингдаги посон костюминг агар қўлда тепчиб тикилган бўлса кийрмидинг? Машина зотидан автомобиль билан телефондан бошқасини тан олмай қолибсан. Ҳув, кўзингни оч, бола. Бу йил ҳам курортни қанда қилмадинг-а! Энди дамингни олган бўлсанг, далага чиқ! СХМ лардан хабар ол, устахонага кир, хирмонларни кўр! Бултургига ўхшаб комиссияга нариги колхознинг гуриллаб кишнаб турган машиналарини менинки деб кўрсатиб юрма! Бўлди энди лўттилик! Гапим тамом! Шахсиятингга теккан бўлсам, хафа бўлсанг ҳам, хафа бўлмасанг ҳам ўзинг

биласан! Ҳодивой отингни Ходавой деганимга тавба қилдим.

Устанинг гапи қийқириқ чапак билан тугади. Раис бир қизариб, бир бўзарди. Сўзга ёзилганлар қолиб раиснинг шофери минбарга чиқди.

— Кечирасизлар, Абдукарим раиснинг лаганбардори, роса кўпиртирса керак, деб ўйларсиз. Раисдан тўққиз пуллик қарзим йўқ. Эртадан кечгача эшигининг тагида пойлаб ўтириш жонимга тегди. Гапнинг сирасини айтгани сўз олдим. Шу ўтирган қоракўзларга битта саволим бор: колхознинг янги самовардай йилтираб турган «Волга»си қани?

Одамлар бир-бирига қарашди. Шивир-шивир гап бошланди.

— Қаердалигини ўзим айтаман. Раис хотамтойлик қилиб «Волга»ни селхозснабнинг каттаси Икромовга инъом қилганлар.

— Жуда ҳам сахийликлари тутиб кетган экан-да!— деди уста пастдан туриб.— Индамасак, бутун бошлиқ колхозни ҳам қизларига сеп қилиб бериб юборишдан тоймайдилар.

Мажлис раиси қўнғироқ чалди. Ҳодивой тўнғиллади.

— Уста, кесатмасдан гапирилсин. Агар малол келаётган бўлса ҳақини тўлаймиз.

Шофер ғовур босилишини кутмай сўзини давом эттираверди:

— Шу яп-янги машинани селхозснабнинг бир шалоқ «Газ»ига айрибош қиптилар. Бурнидан тортгандек аранг судраб олиб келдик. Буйруқни қаранг! Курортдан келгунимча ремонтдан чиқазиб қўй, эмиш. Бир ярим ойдан бери овораман. Тузаладиган балога ўх-

шамайди. Бухгалтер пул бериб чарчади. Мен запчаст қидириб чарчадим. Ўн қадам юрмай орқасидан тутун чиқазиб тўхтаб қолади. Тунов куни раисни кутгани станцияга миниб чиққан эдим. Бир ўлимдан қолдим. Темир йўлнинг устида тақҡа тўхтаб тутун қайтарса бўладими, у ёқдан поезд келяпти, тўрт киши аранг орқасидан итариб силжитиб олдик. Жон акалар, мени бу штатсиз шоферликдан кўпчилик бўлиб, ё ҳайданглар, ё яхшиликча бўшатиб қўйинглар. Эрта-индин терим бошланади. Шу машина деб СХМнинг ремонтига қўлим тегмаяпти.

Раис президиумда ўтириб унга ўшқирди:

— Шунча дарди-ҳасратинг бор экан, нега ўзимга айтмадинг!

— Айтганман, айтганман ака, терим машинасининг ремонти қолиб кетяпти, деганимда айтган гапингиз эсингиздами?

Раис довдираб қолди.

— Нима деган бўлсам дегандирман. Ўзаро гап у, мажлисга соладиган гап эмас.

— Ҳудди мажлисга соладиган гап шу бўлади: ўшанда «ремонт қилсанг қилмасанг барибир, пахтани қўлда терамиз» дегансиз. Эсингизда борми? Қайнатангизникига фермадан қўй олиб кетаётганимизда кўприкнинг тепасида айтган эдингиз.

— Йўқ, унақа гапни айтмаганман. Ёлғон гапирма!

Шофер йигит қизишиб кетди:

— Мени ёлғончи қилманг, айтгансиз! Шунча вақт хизматингизни қилиб, энди ёлғончи бўлдимми? Билиб қўйинг, терим машинасини ремонт қилишдан олдин кўпчилик бўлиб,

ўзингизни ремонт қилиш керакка ўхшаб қолди.

Утирганлар гуриллаб кулиб юборишди. Олдинги қаторда нягини хассасига тираб ўтирган бир чол гап қотди.

— Йўқ, болам, бу Ҳодивой ремонт қилишга арзимайди. Халқда эскини эплагунча эсинг кетади,— деган гап бор. Яхшиси раисни машинанинг қадрига етадиган янги раисга айрибош қилиб қўя қолган маъқул.

Шу гаплардан кейин сўзга чиқмоқчи бўлиб қўл кўтарганларнинг сони кўпайиб кетди. Мажлис раиси «Бухгалтер Қорабоев сўзга тайёрлансин» деб 15 минут танаффус эълон қилди.

Эртасига колхоз самоварида латифага ўхшаш бир гап бўлди.

Ҳодивой раисликдан олинишига кўзи етгандан кейин правление аъзоларига бир шарт қўйган эмиш: «Раисликка ўрганиб қолганман. Машинани, печатни, телефонни, ёрдамчини олмасанглар раисликдан тушаман, бўлмаса кўз олдиларингга печатни лиқ этиб ютиб юбораман, қўяман».

Унинг бу шартига уста ака чистон қилиб жавоб берибди:

— Майли ютсанг ютвора қол. Колхоз печатини худа-беҳудага боса бериб сийқа қилиб, хатларини ўқиб бўлмайдиган қилиб юборган эконсан. Бошқасини ясатиб оламиз. Аммо, лекин кўз олдимизда ютасан.

Ҳодивой печатни ютиб юборадими, йўқми, уни ҳеч ким билмайди. Аммо, раисликдан олингани рост. У ҳар куни самоварга чиқиб,

олдига бир чойнак кўк чойни қўйиб, ҳадеб янги раисни чалпийди.

— Раис бўлиб машинада керилиб ўтиришни билмаса, муовини бўлмаса, печать деганни аввал оғзининг ҳовури билан намлаб, кейин босишни билмаса, подписи ҳам кўримсиз, қизил қалам турганда кўк сиёҳга бало борми?

Самоварчи ҳам ҳазилвон бола экан, сўри тагида ётган эски эгарни Ҳодивойнинг олдига келтириб қўйди:

— Ҳодивой ака, отдан тушишга тушдингиз, энди ремонтдан чиққунингизча ҳеч бўлмаса манаву эгарга миниб ўтиринг.

Ҳодивой унга еворгудек бўлиб ўқрайиб қаради. Кейин жаҳл билан эгарни тепиб юборди.

*1959 йил.*

## МУЛЛАЖОН

Кап-катта одам кўпчиликнинг ўртасида «ҳўнг-ҳўнг» йиғласа жуда хунук бўлар экан.

— Қўйинг, Муллажон, астойдил севса қайтиб келади.

Муллажон тасалли бераётган кишига қараб нимадир демоқчи бўлди, аммо ўпкаси тўлиб томоғидан гап ўтмай энтикди, мўйловининг кўз ёшидан ҳўл бўлмай қолган бир учи сал-пал қимирлади.

— Қайтиб келади, агар айб ўзида бўлса албатта қайтиб келади.

Муллажон умидсиз бош чайқади.

Қўлига чамадон ушлаган ўрта ёшлардаги бир хотин келиб уйга кириб кетди. Бу Муллажоннинг хотини Башорат эди.

Муллажон ўрнидан туриб хотинининг кетидан ҳовлига кирди.

— Ҳой хотин, тавба қилдим, энди ичсам, бировдан пул олсам гўримда тўнғиз қўпай.

— Эски гап. Бу гапларни жуда кўп эшитганман. ЗАГС қоғози қани?

Муллажон биров човт солаётгандек ён чўнтагини ўнг қўли билан ушлади.

— Эркак бошим билан оёғингга йиқиламан.

Хотин юзини тескари ўгирди.

— Бир йилнинг ичида ўн бир марта оёғимга йиқилдингиз. Энди йиқилсангиз пешонангизни қашқа қиласиз. Қўйинг энди, ЗАГС қоғозимни беринг.

Томга одам йиғилди. Бу маҳаллада Муллажоннинг ҳовлисига одам йиғилиши одат тусига кириб қолган эди. Қўчадан ўтган одам тинчлик бўлса ҳам «галва чиқмадимикин» деб албатта эҳтиёт шартидан уларнинг ҳовлисига кўз ташлаб ўтади. Бугунги шовқинга айниқса одам кўп йиғилди.

Ўлгундек ичиб кўз ёши қилаётган Муллажон ҳовлидаги ер ўчоққа оёғини осилтириб ўтирар, ҳадеб раҳми келармикин деган хаёл билан бир кўзини сал қисиб, тилини чиқазиб йўталарди.

— Бермайсизми?— деди хотин унинг олдига келиб қатъий товуш билан.

Муллажон унинг кўзига мўлтираб қаради. Бу қараш Башоратга сира-сира таъсир қилмади. У Муллажон билан етти йил турмуш қилган бўлса ҳамма вақт Муллажон қилғуликни қилиб қўйиб, хотинининг кўзига мўлтираб қараб, гуноҳини енгиллатиб келарди.

Бу гал ҳам унинг мўлтираб қараши хотинида шафқат эмас, ғазаб қўзғатганига ишонмасди. Муллажоннинг кўриниши шу аҳволда бўлса ҳам кўнгли мутлақо хотиржам. У, «бир пов этиб ёнади-ю, ўчади, хотинларнинг жамики иши шунақа бўлади» деб ўйлар эди.

Бугунги жанжал нимадан чиқди? Тўплан-

ган одамлар бу можарони аввалгиларига сира ўхшамаслигини билиб қолишди.

— Ахир, мен ҳам одамман. Резинкани ҳам ҳадеб чўзаверсанг охири узилади. Ҳа, турмуш бўлмай ўлсин, бу! Наҳотки, етти йил яшаб бир кун ҳузур-ҳаловат кўрмасам-а!

Башоратнинг гапини эшитган Муллажон ўчоқнинг четига тиралиб ўрнидан турди.

Бунақанги ғовғалар жонига теккан қўшни хотин қўлини пахса қилиб Муллажоннинг олдига келди.

— Менга қаранг, қўшни. Маҳалладан кўчиб кетсак тинчиймизми, а? Бизни-ки шунча жондан басир қилдингиз, тағин ҳам Башоратнинг жони пўлатдан экан.

— Сиз аралашманг, эр-хотиннинг ўртасига эси кетган тушади.

Гапга Башоратнинг ўзи аралашди.

— Артелда тўрт минг растрат қилди, оёғимга йиқилиб, мана шунақа кўзини мўлтиратиб туриб олди, ҳар нима қилса эрим дедим, тилла соатимни сотиб тўладим. Аллақайси складда уч ой ишлаб икки минг олти юз қарз бўлди, яна кўзини мўлтиратди, иложим қанча, шўрим қурсин, эрим экан, гиламимни сотдим. Атда ишлади, уч минг, батта ишлади, бир ярим минг қарз бўлди, борийўғимни сотиб битирдим. Бугун бир варакайига уч киши пул қистаб келса бўладими, хотиним беради, деб олавериптн. Шунча пулни қаердан оламан? Қилгуликни қилиб қўйиб яна кўзини мўлтиратади-я. Унинг устига тилини чиқазиб йўталадиган одат чиқазибди.

— Раҳми келармикин, дейди-да,— деди қўшни хотин.

Ҳамма хохолаб кулиб юборди.

— Сен гапга аралашма, бош ювайтганингда томдан қараганман, бўйнингда совун кўпирмас экан, сенга ким қўйипти гапга сукилишни.

Бу гапнинг ҳозир бўлаётган говғага нима алоқаси борлигини билмаган кишилар «эгри мўридан — эгри тутун» деб индамай қўя қолишди.

— Ўзимни осаман!— деди Муллажон хотинига қараб.

Башорат қарзга сотилиб кетган бузоқнинг шафтолига осиғлик арқонини олиб унинг олдига ташлади.

— Вой, бу нима қилганингиз, нақ ўзини осиб қўйди-я,— деди кимдир Башоратнинг қулоғига шивирлаб. Башорат унга «хотиржам бўлинг» дегандек қараб қўйди.

Муллажон арқонни қўлига олиб яна тилини чиқазиб ўйталди. Кўзини сузиб хотинига қаради. Назарида хотин юмшамайдиган кўринди.

— Майлими?— деди Муллажон.

Хотин индамади. Муллажон белбоғининг қатидан носқовоғини олиб, кафтини тўлдириб нос отди, хотиржам юриб келиб айвоннинг даханига ўтирди.

— Гапнинг очиғини айтаймі? Қўядиган хотиним йўқ! Менга қара, Башорат, мени охирги марта хижолатдан қутқар, атиги бир юз сўм керак. Зирагингга харидор топдим. Шу қарздан узилай, ундан кейин гўшт дўконига ишга кираман, еганинг пешноб, кийганинг атлас бўлади.

Башорат, «эсиз одамгарчилик» дегандек

унга бир ўқрайиб қаради-ю тарс-турс юриб, ҳовлидан чиқиб кетди. Боятдан бери ҳурпайиб, қулоғини қашиб ўтирган барoқ мушук Муллажонга «хайир» дегандек қисқагина бир миёвлаб хотинга эргашди.

Шу билан ҳикоя битди. Балки ўқувчи, Башорат-ку кетди, у ўтли-шудли хотин экан, ўзини эплаб кетади, бироқ Муллажон нима бўлди, тузалиб одам бўлиб кетдими?— деб сўрар.

Кечаги дам олиш куни Муллажонни товуқ бозорида кўриб қолдим, қўлтиғида уришадиган хўроз қидириб юрган эди, шекилли.

*1956 йил.*

## ПОРАХЎРНИНГ ЎЛИМИ

Магазиннинг мудири Ҳомидхўжа туш кўрса, тушида ўлиб қолган эмиш.

Қабрга мункарнакр кириши билан у бошини кўтариб ҳайрон қолди. Қўлида проводникларнинг фонарини ушлаб турган бу одам қиёфатидаги киши район савдо бўлимининг инспектори Каримовга ўхшаб кетар эди. Каримов билан Ҳомидхўжанинг ораси бузуқ эди. Чунки Ҳомидхўжа «Рубин» телевизорига нарх қўйиб сотаётганида шу Каримов ушлаб олган ва ишини судга берган эди. Ҳомидхўжа гулдираб ўрнидан турмоқчи бўлди.

— Ўртоқ Каримов!

Каримов мункарнакр гурзисини кўтарди.

— Кўзингни оч, Ҳомидхўжа, сен ўлгансан. Нима гуноҳ қилгансан, шуни айт!

— Ҳеч гуноҳ қилмаганман.

— Ёлғон гапирма. Пора олгансан, пора бергансан, эсингдами?

Каримов мункарнакр авторучкаси билан обший дафтарга «дўзахга тушсин» деб

ёзиб қўйди. Шу пайт иккита фаришта унинг икки қўлтиғидан кўтариб олиб кетди. Фаришталарнинг бири худди унинг ишини судга оширган терговчига ўхшарди.

Ҳомидхўжа дўзахда ўзидан олдин ўлиб кетган, умрини пора олиб ўтказган ўртоқларидан биронтасини ҳам тополмади. Ўзидан-ўзи «фақат мен пора олибманми, адолат борми, йўқми» деб диққат бўлар эди. Шундай қилиб Ҳомидхўжа гоҳ қил кўприкдан ўтиб, гоҳ ўтда куйиб юраркан, бир нарса эсига келиб қолди. Жаннатга ўтиб кетишнинг иложи йўқмикин? У шундай хаёл билан каттакон оловли дарвоза олдида махорка чекиб, қурт сотиб ўтирган қоровул чолнинг олдига борганини билмай қолди.

— Ҳа, бўтам, нима гуноҳ қилган эдинг?— деди чол.

— Пора еб қўйгандим.

Чол махорканинг аччиғидан тез-тез йўталар, папирос тополмаётганлигидан шикоят қилар эди. Ҳомидхўжа дарров ёнидан бир пачка «Қазбек» чиқариб чолга узатди.

— Ўзи асли жаннатбоп бола экансан-у, дўзахга янглиш тушиб қопсан-да. Жаннатга киргизиб юборардим-ку, жиндак харажати бор-да.

Ҳомидхўжа шу топда бу чолга танасида тирик вақтидан ортиб қолган жонининг юқини ҳам сувга чайқаб беришга рози эди.

— Ота, бир нима берай десам ҳеч балойим йўқ-ку.

— Ҳу, жағингда йилтираб турган иккита тилла тишинг бор экан-ку?!

Ҳомидхўжа қўлини оғзига тиқиб тишлари-

ни шартта суғуриб олиб биров кўрмасин учун кафтини чангаллаб туриб чолга узатди.

— Қўрқма, бўтам. Порахўрлик ёруғ дунёда айб, бу дунёда айб ҳисобланмайди. Қани ўтавер, жаннат ўзингники!

Ҳомидхўжа жаннатга кирди-ю, оғзи очилиб қолди. Бир одам беш панжасини ёзиб жаннатнинг ўртасида ўзидан-ўзи алжиб юрарди. Ҳомидхўжа жаннатнинг самоварчисидан сўради:

— Бу одам нега қўлини кўтариб, панжасини ёзиб юрибди.

— Э сўрама. Бу одам поранинг орқасидан олтита участка солган, еттинчисини қураётганда тунукасоз билан уришиб томдан йиқилиб ўлган. Ҳамма вақт «еттита участка қурдим, барибир ёруғ дунёдан қўлим очиқ кетди», деб жавраб юради.

Ҳомидхўжа жаннатда қанча юрганини билмади. Бу ерда порахўрларнинг иши йирик экан. Ҳомидхўжа тирик вақтида ҳали ўлмаган Мирвали деган бир муовини бўлгувчи эди. Ўша муовини Мирвали жаннатнинг бозорида гилам сотиб ўтирибди.

— Ҳой бола, қачон ўлдинг?

Мирвали қўл силтади.

— Сиз тирик вақтингизда ҳам шу томонларга эплаб келиб-кетиб турардим.

Ҳомидхўжа Мирвалининг уддабурро бола эканини яхши биларди. Райторгнинг мудирига порани ўзи олиб боришдан қўрқиб, шу муовини орқали бериб турарди.

— Ҳой ука, ёруғ дунёда пора масаласи қалай?

— Порадан гапирманг. Пора берган ҳам, олган ҳам қия бўлиб кетяпти.

Ҳомидхўжа шу пайтгача бир амаллаб тирилсам-у, яна битта яхлитроқ пора олиб ўлсам армоним йўқ эди, деб юрган эди. У Мирвали билан гаплашгандан кейин пора олмайдиган, пора бермайдиган оламда яшашнинг қизиғи қолмаганини билиб тақдирга тан берди.

Кечани Одамотони жаннатдан бенасиб қилган буғдойзорда, кундузни уни шарманда қилган анжирзорда ўтказишга қарор қилди.

Ҳассасини иягига тираган бир чол ариқ бўйида ўтириб ўзидан ўзи ғулдирарди.

— Бу порахўрлар жаннатни ҳам расво қилди. Анжирнинг сояси шуларники, фаришталарга ҳам унча-мунча бермасанг дўзахга отади.

— Оббо! — деди Ҳомидхўжа, — эпласанг жаннатга туш-да, иғвогар!

— Э, ҳа, — деди чол Ҳомидхўжани ҳассаси билан туртиб, — сенлар келиб жаннат дўзах бўлди, қадамларинг етган жой нақд дўзахнинг ўзи бўлади. Бор-е, жаннат сенларга бўлсин, ўша дўзахга мен туша қолай.

Чол Ҳомидхўжани савалаб кетди. У қочаман деса оёғи юрмайди, додлайман деса овози чиқмайди. Ҳомидхўжа бўғилиб хириллаб кўзини очди. Тепасида муовини Мирвали унинг бошини ушлаб турарди.

— Хўжайин, сизга нима бўлди?

— Қачон тирилдинг? — деди Ҳомидхўжа унга тикилиб.

— Ўлмай туриб тириламанми, хўжайин?

Дўконни ревизия босди, Каримов ревизия қилармиш.

Ҳомидхўжанинг кўзига мункарнакр кўринди. Ундан кейин хира парда орқасида фариштага ўхшаган терговчи пайдо бўлди.

Ҳомидхўжа энди ўзининг ўлик-тириклигини аниқ билмасди...

## ХОМ СУТ ЭМГАН ТАНҚИДЧИ

Билмайин босдим тиканни —
тортадурман дардини...
*(Қўшиқ)*

Сочлари пешонасидан ошиб, қош-кўзларини босиб кетган барваста қоматли танқидчи Анжирбоев қўлида тутамлаб турган бир даста қоғозни зарда билан столга урди.

— Тавба, бу ёзувчиларга нима бўлди-а? Тирик тилни билмайдилар.

Анжирбоевнинг қаршисида бурнининг учини тер босган ёшгина бир йигит ўтирибди. У гўё қочиб кетишни мўлжаллаб тургандек қия очиқ эшикка тез-тез қараб қўяр, кўзларини бетиним пирпиратарди.

Анжирбоев боягн столга ташлаган қоғозларни шер ҳамласи билан яна қўлига олди. Ҳамма ёғи савол аломати босиб кетган қоғозларга бир-бир кўз югиртириб, аччиқ данак егандек юзини тириштирди.

— Сиз ҳам тирик тилни билмайсиз, ука. Ҳаётга боқинг, гигант қурилишларимизга бир назар ташланг. Тирик тилимизни ўрганинг. Сизда сўз жумласи ёмон, бундай ҳолларга қачонгача муросасозлик қилиб келамиз. Халқ творчествоси ёзувчиларимизга мўл-кўл тема-

лар беради. Олинг ҳикоянгизни, бўлмайди. Чеховни кўпроқ ўқинг!

Йигитча Анжирбоев узатган қоғозларни олиб қўрқа-писа кўздан кечирди. Ҳикоянинг тагига чизилмаган, ёнбошига савол аломати қўйилмаган сатри қолмаган эди. У овоз чиқазмай, йўталиб қўйди ва даструмолини чиқазиб бурун учидаги тер томчиларини артиб олди.

Анжирбоев бармоқларини навбат билан букиб, шақирлатиб бўлгач, дона-дона қилиб сўз бошлади.

— Бўлмайди. Бу мутлақо ҳикоя эмас. Ниҳоятда паст савия билан ёзилган. Бундай ҳикоялар ҳақида Добролюбов ундоқ деган, Чернишевский мундоқ деган, Белинский народникларни фош қилганда, Герцен дилетантларга зарба берганда... Интеллект, прообраз... Нима деяётган эдим? Ҳа, ҳикоянгиз хом, ғирт хом. Чехов тирик бўлса ҳикоянгизни ўқиб, қулоғингизнинг тагига бир тарсаки туширар эди.

— Кечирасиз,— деди йигитча сал дадилланиб,— бу Чеховнинг ҳаммага машҳур ҳикояси-ку, ўртоқ Анжирбоев. Мен фақат сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим, драма тўгарагида Чеховнинг шу ҳикоясини саҳналаштирмоқчи эдик, нима деяр экансиз деб... маслаҳатга...

— Ҳа, хом сут эмган инсон!— деди Анжирбоев пешонасига тушиб турган паришон сочларини тутамлаб,— майли, майли, ука, билганингизни қилинг.

## МУЗИКАЛИ ВОҚИА

Ширинбулоқ район театрининг директори ишни барбод қилгани сабабли вазифасидан бекор бўлиб, ўрнига кушхона директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари ўртоқ Саллохов тайинланди.

Ўртоқ Саллохов томоша вақтида саҳна четидан туриб залга қаради. Одам кам. Дирижер тескари қараб, ҳадеб таёқчасини ўйнатарди. Саллохов чолғувчиларга қаради. Фақат ғижжакчигина камон тортар, чилдирмачи ҳар замонда бир «так» этиб чертиб қўяр, карнайчи эса бир четда мудраб ўтирар эди. Саллоховнинг зардаси қайнаб кетди. Орқадан айланиб чолғувчиларнинг олдига тушди.

— Бу қанақаси, ухлагани келганмисизлар, қани, ҳаммангиз бараварига чалинг! Мунақада қачон молия плани тўлади. Уялмайсизларми, ҳамма ишни битта ғижжакчига ташлаб қўйгани. Бугундан кейин ҳар қайсингизга норма белгилаб қўяман. Ёнингизда табельчи ўтиради. Ким қанча чалганини алоҳида ҳисобга олиш керак. Бунақада яна план тўлмай қолиши мумкин. Бизнинг кушхонада

цехга битта мол келса ҳамма баравар ёпишар эди.

Бирининг қўлида пичоқ, иккинчисида болта, учинчиси шохидан тутади. Ҳа-ҳу дегунча молнинг калла-почаси ажратиб олинади. Бу ердачи, тартиб йўқ. Хўш, сиз бу ерда нима қилиб ўйнаб ўтирибсиз?— дирижерга юзланди,— томошабинга ҳалақит беряпсиз.

— Кечирасиз, ўртоқ Саллохов, биз композитор айтганини қиламиз. Композитор қайси чолғувчи қачон чалишини кўрсатиб берган, мана нотаси.

Салloховнинг тепа сочи тикка бўлди.

— Бу қанақаси, бу ерда композитор директорми, менми? Композиторнинг буйруғи бекор қилинади. Қани, квартал плани тўлгунча ёппасига марш!

*1956 йил.*

## УЗУН ТИЛ

Қобилжон директорнинг кабинетидан латтадек бўшашиб чиқди. У қабулхонада ўтирганларга лоқайд бир назар ташлади-ю, тез юриб коридорга чиқди.

— Сийлаганни сигир билмас, деб шуни айтади-да. Ишга янги келганда идоранинг пасти-баландини таништирган ким эди. Мишмиш гапларни қулогига етказиб турган ким эди, шуни билмади-я. Уялмаганини қаранг, уни одам қилгунча қоққанда қозиғим, осганда чўмичим қолмади.

Қобилжон коридорнинг у бошидан-бу бошига ўзидан-ўзи ғўлдираб шу тарзда бориб-келиб турарди.

Кадрлар бўлимининг эшиги очилиб қўш кўзойнак таққан ўрта ёшли бир киши чиқди.

— Э, Қобилжон, нима қилиб юрибсиз, ҳужжатларингизни қачон расмийлаштирасиз?

— Қанақа ҳужжат?— чўчиб сўради Қобилжон.

— Ишдан бўшатишга буйруқ бўлди.

Қобилжоннинг кўзларидан ўт чақнаб кетди. Директорнинг бояги «Ишни эплаёлма-

ётибсиз, бўшатишга тўғри келади» деган гаплари эсига тушди. «Еган ёғу гўштларинг кўр қилади ҳали сени, шунча совға-саломларни ҳам андиша қилмадинг!» — деб кўнглидан ўтказди-ю, кўзойнакли кишига қараб:

— Ҳар қалай закон биладиган кишисиз, бир йўл кўрсатинг,— деди.

— Нима десам экан, қани бацқа юринг-чи, буйруқда нима дейилган экан.

Улар бошлашиб кабинетга киришди. Кўзойнакли киши стол устида уюлиб ётган қоғозлар орасидан буйруқни топиб Қобилжоннинг қўлига берди. Қобилжон енгил титраб турган қўллари билан қоғозни тутиб ўқий бошлади.

— «...Ишни эплай олмагани учун...» Ҳмм.

— Жуда хунук буйруқ бўпти-да, шу буйруқ мазмунини меҳнат дафтарчангизга ёзиб қўйишим керак. Закон шунақа, акаси.

Қобилжон бўшашиб стулга ўтириб қолди. Жовдираб турган кўзларини шифтга тикиб, остки лабини тишлади.

— Бошқа иложи йўқмикин-а?

— Хўжайин билан дурустроқ бир гаплашиб кўринг-чи, балки буйруқни ўзгартар, жуда бўлмаса «ўз аризасига биноан» деган мазмунда...

Қобилжон ўрнидан турди. Аста-аста юриб, кўчага чиқди. У ўйлар эди: «ишни эплолмагани учун... Меҳнат дафтарчаси... Ўз аризасига биноан...».

Иш охирлаб қолганда, Қобилжон яна қабулхонада пайдо бўлди. Секретарь директорнинг бандлиги ва докладга тайёрланаётганлигини айтиб уни ичкарига қўймади.

— Бўлмаса мана шу қоғозни ўртоқ директорга бериб қўйсангиз.

Қобилжон букланган қоғозни секретарга узатди. Кейин пальтосининг ён чўнтагидан қоғозга ўралган бир нарса чиқазди.

— Буни ҳам бериб қўйсиз-да, жуда зарур нарса.

Соат бешдан сал ошганда ходимлар директор кабинетига йиғила бошлади. Кўпчилик қатори Қобилжон ҳам ичкари кирди.

Мажлис у қадар расмий вазиятда ўтмади, директор идорадаги меҳнат интизоми ва муассасалардан келаётган алоқа хатларига ўз вақтида жавоб берилмаётгани тўғрисида гапириб, план бўлими ходимларини қаттиқ танқид қилди.

— Ундан кейин,— деди директор сўзини якунлаб,— баъзи ходимларимиз ишга ўтакетган даражада масъулиятсизлик билан қарайдиган бўлиб қолишди.

— Кимлар? Мисоллар билан айтилсин!— деди унинг сўзини бўлиб бош бухгалтер.

Директор қошларини кериб, кулумсираб қўйди:

— Мен, энг аввал, менинг ўзим, ишга масъулиятсиз қарайдиган бўлиб қолдим. Шу вақтгача ўртоқ Қобилжон Орифжоновга чора кўрмай, у билан муросасозлик қилиб келганман...

Қобилжоннинг тепа сочи тикка бўлиб кетди. Қандай қилиб ўрнидан туриб кетганини, томоғини бўғиб турган галстугини бир зарб билан бўшатиб юборганини ҳам билмай қолди.

— Ўртоқ директор менга тухмат қилаптилар, саккиз йилдан бери шу идорада ишлайман. Шу саккиз йил ичида уч директор ўзгарди. Ҳаммаси билан жуда тотув ишладик, биронтаси менга на огоҳлантириш, на виговор берган! Одамнинг оласи ичида бўлади, деб шуни айтишади-да. Директорга қилган ёрдамларимнинг биронтасини бошқа кишига қилганимда итининг туваги олтиндан бўлиб кетар эди, бу киши яхшиликни билмаяптилар. Уялиш керак, ўртоқ директор, мендай мусичадек беозор кишини ранжитгани қандай кўнглингиз бўлди.

Ҳамма жим, директор тирноқлари билан столни чертиб ҳамон илжайиб турарди. Қобилжон директорнинг бу кайфиятини кўриб яна тутоқди. Бу гаплар унга таъсир қилмаётганини кўргандан кейин, овозини пасайтириб лўнда-лўнда қилиб гапира бошлади.

— Ўртоқ директор, сиз порахўрсиз!

Ўтирганлар ялт этиб бир-бирларига қараб олишди. Бош бухгалтер Қобилжоннинг сўзини бўлди.

— Кимдан, қачон, нима пора олган?

— Мендан,— деди Қобилжон,— ҳамма вақт пора олиб келганлар.

Бухгалтер, афсуслангандай директорга қаради. Директор эса ҳамон столни чертиб кулиб турарди.

План бўлимининг бошлиғи ҳам жаҳл билан:

— Наҳотки шу гапларнинг бари тўғри-а, ўртоқ директор?— деди.— Наҳотки сиз...

— Тўғри,— деди директор жиддийлашиб,— бари тўғри. Ўртоқ Орифжонов жуда

тўғри айтяптилар, давом этинг, ўртоқ Орифжонов.

Қобилжон дадиллашди. «Бу беномус, порахўрнинг пўстагини энди қоқаман» деган қатъий фикр билан сўзини давом эттирди.

— Қачон ва қандай нарса олганң маълум,— у ён дафтарчасини варақлаб, ўқий бошлади.— Шу йилнинг ўн учинчи октябрида бир эчки боласи билан. Яна шу октябрнинг йигирма тўртинчисида тўрт кило колбаса, байрам арафасида икки литр арақ, тўрт шиша «марсала» виноси, тўрт кило сон гўшт, олти пачка «Казбек». Тунов куни бир керза этик, олти метр штапель... Э, айтган билан тамом бўлмайди!

Кабинет ичи сув қуйгандек жим. Бу жимликни директорнинг ўзи бузди. У ўрнидан туриб бурчакдаги пўлат сандиқни очиб, бир даста қоғоз олди.

— Ўртоқ Орифжоновнинг гаплари тўппатўғри. Шу нарсаларнинг барини олганман. Бироқ буларни Орифжоновнинг ўзи сўрамасам ҳам зўрлаб берган, бу нарсаларга ҳали ўзим қўл урганим йўқ.— У қўлидаги қоғозлардан бирини баланд кўтарди.— Соғин эчкини яслига бердим, мана акти. Арақ, колбаса, гўшт, вино, папиросларга местком раиси Каримов билан акт тузиб магазинга топшириб юбордик. Керза этик билан штапелга ҳам акт қилинган. Местком советининг қарори билан этикни қоровул чол Ғани отага, штапелни уборщицамиз Хайри холага беришди.

Директор шкафни очиб, қоғозга ўралган нарсани олиб, стол устига қўйди.

— Бу нарса ҳам ўртоқ Орифжоновнинг

совғаси, нима эканлигини ҳали билмайман, бугун олиб келган эди. Ўзларинг очиб кўринглар.

План бўлимининг бошлиғи ўрнидан туриб қоғозни очди. Ундан тўртта тухум, икки юз эллик сўм пул чиқди. Устида бир варақ қоғоз ҳам бор эди.

— Ўқинг-чи,— деди директор.

План бўлимининг мудири ўқий бошлади.

—«Мени ўз вазифасини эплолмади деб бўшатибсиз. Совға-саломлар ҳурмати, шу буйруқни ўз аризамга биноан деб ўзгартирсангиз, бундан буён яна хизматингиздаман... Қобилжон».

Ҳамма кулиб юборди. План бўлимининг бошлиғи қоғозни жойига қўйиб Қобилжонга қаради.

— Хўш, энди нима дейсиз?

— Нима дер эдим, ўша айтган гапларимни айтаман-да. Майли, бўлар иш бўлди, иккитагина илтимосим бор, бири — буйруқни ўзгартирилса, кейин, мана шу икки юз эллик сўм пулни қайтариб берсанглар.

Яна гуриллаб кулги кўтарилди. Бош бухгалтер қўл кўтариб ғовурни босди.

— Пул қайтиб берилмайди. Акт тузиб давлат ҳисобига ўтказамиз, буйруқни ўзгартириш мумкин. Ишни эплай олмагани учун эмас, пора бергани учун деб ўзгартирилади.

Ҳамма бир оғиздан таклифни маъқуллади.

Қобилжон пора беришда айбланиб ишдан ҳайдалгандан кейин, анча вақтгача кўринмай қолди. Биров Қобилжон райторг мудирининг сигирини урчитишга олиб кетаётганини, бошқаси артель раисининг ҳовлисида унинг эчки-

сига тушган канани ихлос билан тераётганини ўз кўзи билан кўрганини айтди. Ким билади, ростдир.

Яқинда Навоий кўчасидан кетаётиб, карнай-сурнайли тўйга дуч келиб қолдим. Тақачилик артелининг раиси уйланаётган экан. Қобилжон беқасам тўн кийиб, олдинда ўйнаб борар, ҳадеб куёв бола — раисга қараб муқом қилар эди.

## ДАДАМНИНГ ЎРТОҒИ

Эрталаб уйғониб девор соатга қарасам, еттидан ошибди. Ҳар куни худди шу вақтда дадам кроватимга энгашиб «Тур, кичкина Йўлдошев» деб уйғотарди. Мен дарров турардим-да, нонуштадан кейин дадамнинг «Победа»сида шофернинг ёнига ўтириб кетардим. Мактабга етганимизда, дадам: «Қани тушинг энди, кичкина Йўлдошев» деб, ташлаб ўтиб кетарди.

Ҳозир соат еттидан ошиб кетган бўлса ҳам, дадам хуррак отиб ухлаб ётарди. Бугун дам олиш кунимикин деб ўйлаб, девордаги календарга қарадим. Йўқ, иш куни. Ҳайрон бўлиб, ўрнимдан турдим.

— Қани, тез бўл, мактабдан кечга қоласан!— деди ойим, стол устига нонушта тайёрлаётганда.

Мен ажабланиб, ойимнинг кўзига қарадим. Унинг кўзлари қизарган эди, роса йиғлаганга ўхшайди.

— Дадам...

Гапимни ҳам тугатмаган эдим, у мени боплаб жеркиб ташлади. Ойим доим шунақа

қилади. «Ўн олти ёшга етмаган болалар катталарнинг гапига аралашмаслиги керак» деди. Нима, ўн олти ёшга етмаганлар одам эмасми! Кечки кинога ҳам киритишмайди. Театрга-ку, мутлақо йўл йўқ.

Қовоқ-тумшуғимни осилтириб, ўрнимдан турдим. Бир ҳисобда, дадамнинг ухлаб ётгани менга жуда яхши бўлди. «Победа»да бир ўзим маза қилиб кетаман.

Чойни ҳам ичиб бўлдим. Аммо шофердан дарак йўқ.

— Нима қилиб ўтирибсан, бунақада мактабга қачон борасан, жўнамайсанми!?

— Шошманг, ойижон, машинамиз келсин.

Ойимнинг кўзидан ўт чақнаб кетди. Ҳозир қулоғимнинг тагига бир тарсаки тушиб қолармикин деб ўйладим, йўқ, урмади. Қўлимдан силтаб, ҳовлига олиб чиқди-да, жўна, деб бақирди.

— Энди машина йўқ, даданг ишдан бўшаган.

Ўйлаб, ўйимга етолмасдим. Нега ўн олти ёшдан ошган кап-катта одам ишдан бўшайди? Нима ёмонлик қилди? Шу куни дарсда қандай ўтирганимни билмадим. Ҳеч бало миямга кирмади. Зўрға уч баҳога илиндим. Минг хаёл билан уйга келсам, дадам билан ойим қаёққадир кетай деб туришган экан.

— Телефоннинг тагидан жилмай тур, хўпми!— деб тайинлади дадам ва ойим билан бошлашиб чиқиб кетди.

Мен телефон олдида ўтириб, «Победа»да маза қилиб юрган вақтларимни ўйлай бошладим. Деразамиз тагидан кимдир ўтди, бўйнимни чўзиб қарасам, Каримов амаким ҳов-

лимизга кириб келаяптилар. Каримов амаким ўтган ҳафта Москвага кетган эдилар. Ўзлари жуда яхши киши, дадамнинг қўлида ишлайдилар. Бизникига ҳар келганларида, дадамга билдирмай менга шоколад, ойимга ё атир, ё капрон пайпоқ олиб келадилар. Ойимнинг туғилган куни бўлганда, тилла соат ҳам олиб келганлар. Каримов амаким шунақа яхши одам. Москвага кетаётганларида бизнинг «Победа»да вокзалга чиққанлар, ўшанда менга матросча кўйлак, ойимга крепфантазия деган кўйлакли совға олиб келаман, деган эдилар.

Каримов амаким уйга киришлари билан, югуриб бориб, бўйинларига осилдим.

— Қачон келдингиз, амаки, Москвадан?

— Ҳозир, ҳозир поездан тушдим-у, хўжайиннинг уйига югурдим-да. Ҳали уйимга ҳам, ишхонамга ҳам борганим йўқ.

Қоғозга ўроғлик нарсаларни олиб, стол устига қўя бошладилар.

— Мана совғаларим...

— Амаки,— деб, гапларини бўлдим,— дадам ишдан бўшаса, яхши бўладими, ёмон бўладими?

Каримов амакимнинг қисиқ кўзлари, йиғирма тийинлик тангадек, дум-думалоқ бўлиб кетди.

— Нима дединг?

Мен дадамнинг ишдан бўшаганларини айтдим. Каримов амакимнинг думалоқ кўзлари, ели чиқиб кетаётган пуфакдек, секин-секин кичрайиб яна боягидек бужмайиб қолди.

— Матрос кўйлак олиб келдингизми, амаки?— деб сўрадим.

Каримов амаким, ўйлаб туриб, бош чайқадилар.

— Тополмадим.

Стол устидаги нарсаларни қайтариб, яна чамадонга жойладилар-да, «келганимни дадангга айтмай қўя қол» деб чиқиб кетдилар.

Кечқурун дадам «ҳеч ким телефон қилмадими?» деб сўради. Мен — йўқ, дедим.

— Каримов амаким келиб кетдилар, келганимни дадангга айтма, деб тайинладилар.

— Ҳеч нарса бериб кетмадими?— деб сўради ойим.

— Чамадонларини очдилар-у, кейин яна бекитиб қўйдилар.

Ойим жаҳл билан телефон номерларини терди.

— Каримов! Ҳой Каримов, мен... Тавба, отимни айтишим билан трубкани қўйиб қўйди-я.

— Ўзими?

— Ҳа, ўзи, Каримовман деди, отимни айтсам...

Шу кеча эрталабгача дадам билан ойим ухлашмади. Дадам ётган ерида папирос чекар, ойим йиғламсираб гапирарди.

— Каримов сизни орқангиздан участкали бўлди.

— Нима дединг?

— Каримов дейман, сизнинг орқангиздан...

— Гапингга тушунмаяпман. Нима деб алжияпсан.

Ойим анча вақт жим туриб, кейин бир хўрсиниб қўйди.

— Яхши одам экан деб, у ер-бу ерга телефон қилиб, тахта, тунукаларни сизнинг номингиздан тўғрилаб берган эдим.

Кўрпадан бош чиқазиб, гапга қўшилдим.

— Каримов амаким ойимга тилла соат совға қилганлар-ку!

— Жим ёт!— деди ойим, бақириб.

Дадам от пишқиргандек хўрсинди. Кейин йўталдими, аксa урдими, билмадим.

Ойимнинг гапларига қулоқ солиб ётдим. Ойим жуда тўғри айтяпти. Дадам ишдан бўшамасдан олдин уйимиздан меҳмон аримасди. Каримов ҳар хил консервалар, конфетлар олиб келарди. Шофёримиз Каримов амакимнинг тўйларида маст бўлиб, калишини поймалоқ қилиб келгани эсимга тушиб, пиқирлаб кулиб юбордим.

Ойим яна жеркиб ташлади.

— Қап-катта бола, бу нима, жинниларга ўхшаб...

Барибир, кўрпага бошимни буркаб, яна ўйлай бердим.

Каримов амаким участка қураётганларида бизникига жуда кўп келардилар. Ўша пайтлар мен ҳар куни шоколад ердим. Ойимнинг атирлари ҳам жуда кўпайиб кетган эди.

Ойим уҳ тортиб, деди:

— Бу Каримов ҳам расво, ёмон одам экан.

Дадам индамади. Фақат папиросни шундай тортдики, унинг чўғи кровать қуббаларини ялтиратиб юборди.

— Энди ўрнингизга ким тайин бўларкин?

Дадам индамади.

Ойим жуда ёлғончи-да. Жаҳли чиқса, шунақа ёлғон гапираверади. Агар у ёлғончи

бўлмаса, ўзига шунча атирлар олиб келган, тилла соат тақдим қилган кишини расво, ёмон одам, дейдими?

Менга ойимнинг ўзи «Каримов амакинг жуда яхши одам-да» деб айтган эди-ку. У айтмаса ҳам, ўзим яхшилигини билардим.

Шунақа хаёллар билан ухлаб қопман.

Эрталаб уйғонсам, дадам ҳали ҳам папирос чекиб ётарди. Ойим даҳлизда керогазни ёқолмай, ҳамма ёқни тутун қилиб юборибди. У жаҳлидан кўкариб, ҳадеб Каримов амакини қарғарди. Унинг бу ҳолидан Каримов амаким тилла соатни қистайди шекилли, деб ўйлаб қолдим. Ойим уйга кириб, косага тухум чақиб солаётганда сўрадим:

— Ойи, дадамнинг ўрнига тайин бўладиган кишининг ўғли борми?

Ойим менга шундай ўқрайиб қаради-ки, назаримда менга эмас, соатини қистаётган Каримов амакимга қарагандек эди. Мен қўрқиб, нариги уйга чиқиб кетдим.

Дадамнинг аризаси бир ёқли бўлгунча, Каримов амаким бизникига телефон қилмадилар. Ордан ўттиз саккиз кун ўтгандан кейин эрталаб роппа-расо соат саккизда телефонимиз жиринглади. Шу жиринглаганича кечгача жиринглаб берди. Ойим негадир бўлар-бўлмасга ҳиринглаб куладиган бўлиб қолди. Дадам трубкани олиб, қисқа-қисқа жавоб берарди. Қоқ пешинда Каримов амаким бир корзинка нарса олиб келдилар, эшикдан кирищлари билан менга шоколад, ойимга крепфантазия тутқаздилар. Дадам ойимнинг қўлидан уни юлиб олди-ю, жаҳл билан Каримов амакимнинг олдиларига ир-

ғитиб ташлади. У шоколадни ҳам олмоқчи эди, шошиб огзимга солиб, лиқ этиб ютиб юбора қолдим. Дадам қўлимдан ушлаб, нариги уйга олиб чиқиб, эшикни тақ этиб ёпиб қўйди. Кейин жаҳл билан қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади. Эшикнинг тирқишидан қулоқ солдим.

— Сиз, ярамас одамсиз! Сизда виждон деган нарса йўқ! Кўзимнинг ёғини еб, бошимга иш тушганда қочдингиз. Яна ишга тайин бўлганимни эшитиб келдингизми? Боринг, кетинг, бу ердан. Сизнинг латта-путта совғаларингизга муҳтож эмасман. Болаларнинг бошини айлантирманг.

Каримов амаким дадамнинг кўзидаги ёғни еб қўйган экан-да, деб ўйладим. У киши жуда хафа бўлиб, чиқиб кетдилар. Дадам шундоқ яхши одамни хафа қилди-я, ачиндим.

Эрталаб дадамнинг «Победа»си келди. Энди дадам мени мактабимга, ойимни ательега «Победа»да олиб бормай қўйди. Тавба, ойим билан мен унга нима ёмонлик қилган эканмиз!

## ҲАСРАТ

Маҳалламизда бир кампир бор. Доимо эшигининг олдига шолча солиб, чаккасига райҳон тақиб, чой ичиб ўтиради. Ўтган-кетган хотинларнинг қўлига чой тўтқазиб, гапга солади. Шу хотинни кўрганимда «Нима бало, қиладиган иши йўқми, невараларининг йиртиқ-ямоғига қараса бўлмайдими» деб дилимдан ўтказаман.

Бир куни ишдан қайтсам, кампир қўлидаги садарайҳон билан ўзини елпиб ўтирибди. Мени кўриши билан қўлимга шошиб-пишиб бир пиёла чой тутқазди. Қари нарса қўли қайтмасин, деб чойни олдим.

— Болам, сени ёзувчи мухбир деб эшитаман! Шу ростми!— деди кампир.

— Шундай, она,— дедим кулиб.

— Оҳ, онагинанг айлансин, уйимдан илон чиққан! «Муштум»га ёзадиган гап бор. Бола-чақали одамсан, уч-тўрт сўм ишлаб қол.

Кампиршонинг нима дарди бор экан деб шолчанинг четига чўнқайдим. Кўчанинг нариги бетидан ўтиб кетаётган қўшнилар менга қараб, негадир илжайиб қўйишди.

— Келинимдан ўтдек куйганман. Ўғилгинамни яхши биласан, қўйдек ювош бола. Келиним яшамагур уни ҳам расво қилди. Болагинамга эга чиқиб, бурнидан ип ўтказиб олди, бу доғули. Онаси ёмон хотин. Теги паст. Қудам кўчада эшак аравага тескари миниб, болаларга ҳуштак бериб, шиша йиғади. Шундай одамларнинг боласи ким бўларди. Машойихлар «қазисан-қартасан, асли наслингга тортасан» деб билиб айтишган экан.

Кампир кўзига ёш олди.

— Ўғилгинамнинг бўйнига миниб олган бу жувон сўхта. Учта бўйига етган синглиси бор. Қарамайди. Топганини хотинига тиқиштиради. Ўғлимнинг топганига бир маҳаллани боқса бўлади. Баракаси йўқ. Келиним ўлгирнинг ўзиям текстилда ишлаб, жарақ-жарақ пул олади. Билмайман, бу гумдон бўлгур, пулини қаёққа қўяди...

Кампир шу саволни берди-ю, дарров ўзига-ўзи жавоб берди.

— Қаёққа қўярди. Ўлгурнинг айёрлигини қаранг. Ҳар хил гирдин-гирдишиндан посон-посон кўйлак тиктириб, текстилнинг ётоқхонасидаги бир ўртоғиникига яшириб юрар экан. Бу ердан исқирт кўйлагини кийиб чиқиб кетиб, у ерда посон бўлиб олар экан. Икки марта кетидан пойладим. Тилла соат ҳам олибди. Кеча атайин ишдан чиқадиган вақтини пойлаб бордим. Эгнига гунафша ранг помбарқут кўйлак кийиб олибди. Вой яшамагур дедим, ичимда. Бир тўполон чиқазиб, обрўсини учпул қилай дедим-у, яна шайтонга ҳай бердим. Уйда бўйи етган қайни-

сийнилари бор-а! Ҳеч бўлмаса тул эгачисини андиша қилса бўлмайдими! Ўзи ўғлим ношуд. Хотинни-ки гаҳ деганда қўлга қўнадиган қилиб олмадими, бундай эркакдан оғилдаги бузоқ яхши. Бу ер ютгирни бир «Муштум»га ёзинг. Текширгани келишса, кўйлагини бекитиб қўядиган ўртогининг уйини кўрсатиб бераман.

Индамай қулоқ солиб ўтираверсам кампирнинг гапи чўзилиб кетадиганга ўхшади. Ишим зарурлигини баҳона қилиб, ўрнимдан турдим. Қампир орқамдан жавраб қолди.

— Ҳой, «Муштум»да қачон чиқади? Яхшилаб ёз!

Қампирнинг келинини танир эдим. У комбинатнинг кўзга кўринган ип йигирувчиси эди. Газеталарда жуда кўп сурати чиққан, хотин-қизлар қурултойига ҳам делегат бўлган эди. Шундай ишчан, топиш-тутиши яхши бу жувоннинг кампир айтганча ёмон кийиниб юришига ажабланардим. Наҳотки, қайнанасидан беркитиб кийинса, наҳотки, кампирнинг гаплари рост бўлса! Бунга гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай юрардим, яқинда ишдан қайта туриб, шу келин билан автобусда ёнма-ён ўлтириб қолдим. У сал хомушроқ кўринар эди.

— Ҳа, қўшни, нима бўлди?— дедим унга.

— «Муштум»га ёзмадингизми? «Қатта мухбир» материал берган эканлар-ку. Ҳар кун «Муштум» пойлаб эсимиз кетяпти,— деди у пичинг қилиб.

Қампири тушмагур «сени «Муштум»га уриб шарманда қиламан» деб уни қўрқитмоқчи бўлганга ўхшайди.

— Шу гаплар ростми, ёлғондиров?!

— Ёлғон,— деди келин кулиб.

Автобусдан тушиб кўчамизга бурилдик.

— Кўйлак олсам «қайнисингилларингга нега олмадинг» деб жанжал қилади. Қайси биттасига олай. Эримнинг топганига-ку онаси хўжайин. Тийинини бегона қилмай қизларига сеп йиғади. Меникидан ҳам юлади. Невараларига едирмай-ичирмай лозимандага сарфлайди. Рўзғорни мен қиламан. Ўн бир жонмиз, ахир. Эридан ажрашган эгачимнинг тўрт боласи бор. Ўзимнинг уч болам. Икки қайнисингил. Қизлар на рўзғорга қарашади, на бирон жойда ишлашади. Сўлоқмондай бўлиб эртадан-кечгача сақич чайнаб, тош ойнанинг олдидан кетишмайди. Бирон жойга ишга киритиб қўяй десам, онаси кўнмайди. Эркаклар билан ишласа шарми-ҳаёси қолмасмиш. Уч боламга кийим оладиган бўлсам, эгачимнинг ҳам тўрт боласига олишим керак. Яқинда медаль билан мукофотланган эдим. Тақиб келган куним кампир севинчимни ҳам татитмади. Нега эгачингга ҳам олиб келмадинг, деб жанжал қилса бўладими, бу гапга кулайми, йиғлайми, ахир. Бор-э, деб кетиб қолай дейман-у, яна шаштимдан тушаман. Эримнинг ҳоли нима кечади, деб ўйлайман. Ўзи яхши йигит-у, онасига лом-мим деёлмайди-да. Индамай кириб, индамай чиқиб кетади. Ҳамма гапни мен эшитаман. Катта қизининг рўзғорини ҳам шу кампир бузган. Магазинда ишлайдиган топармон-тутармон бир йигитни ичкуёв қилиб, роса соғиб ичди. Ишдан бўшаб қолгандан кейин маш-маша қилаверди. Охири куёв бир сидра кийим билан чиқди-кетди. Бу

кампирнинг устидан қаёққа дод деб бораман, бирон жойда ишласа бошқа гап эди, ҳеч бўлмаса пенсия олгандаям-ку, райсобесга устидан арз қилардим. Сира-сира менга кун бермайди. Ҳар ҳунар, ҳар соҳанинг министрлиги бор, бу кампирлар қайси министрликка қарар экан. Ўзинг ишлаб топганингга ўзинг эга бўлмасанг...

Келинининг ҳам ҳасратидан чанг чиқиб кетди. У билан хайрлашиб уйга келдим. Ойим тоғарада нимадир кўтариб кирди.

— Сомса ёпган эдим. Томоғимдан ўтмади. Келиним бечора ишдан чарчаб келган, бирга ея қолай деб, атайин иссиғида олиб келдим

Шу пайт қўшни кампирнинг боласи «Муштум» сўраб чиқди.

— Бу кампир мунча «Муштум» сўрайди?

Мен ойимга бўлган воқиани айтиб бердим.

— Бу ишга сен аралашма. Қампир мазаси йўқ аял. Толька келинини қийнагани-қийнаган. Маҳалладаги кампирларнинг обрўсини тўкаётган ҳам шу. Уззукун йўлакка ўтириб олиб, ўтган-кетганни исплетний қилади. Кўрсанг ҳам кўрмасликка солиб кетавер, болам.

Ойимнинг гапига кула-кула ичкарига кириб кетдим. Қулоғимдан бояги келинининг гапи нари кетмасди. «Бу кампирлар қайси министрликка қарайди, нодонлиги, қолоқлиги билан тинч рўзғорни татитмаётган бекорчиларнинг устидан қаерга, кимга шикоят қилса бўлади?».

## МУНДАРИЖА


Чўл бургути . . . . . . . . . . . 3
Ўрик домла . . . . . . . . . . . 28
Лочин . . . . . . . . . . . 38
Муҳаббатнинг туғилиши . . . . . . . 48
Севгимга содиқман . . . . . . . . 56
Ҳолибой . . . . . . . . . . . 61
Муллажон . . . . . . . . . . . 69
Поразўрнинг ўлими . . . . . . . . 74
Хом сут эмган танқидчи . . . . . . 79
Музикали воқиа . . . . . . . . . 81
Узун тил . . . . . . . . . . . 83
Дадамнинг ўртоғи . . . . . . . . 90
Ҳасрат . . . . . . . . . . . 97

*На узбекском языке*

**Саид Ахмад**

СТЕПНОЙ БЕРКУТ

Рассказы

*Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1960*

Редактор *А. Ражабова*
Рассом *П. Бродский*
Рассом редактори *Г. Бедарев*
Техредактор *М. Парпихўжаев*
Корректор *Н. Содиқов*

Босмахонага берилди 3/II 1960 й. Босишга рухсат этилди 11/III 1960 й. Формати 70×92 1/32. Босма л. 3,25 Шартли босма л. 3,80 Нашр. л. 3,8 Тиражи 15 000 Индекс н/а. Р 08211 ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 208—59

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзполиграфнашрнинг 1-босмахонаси Тошкент, Хамза кўчаси 21, 1960. Заказ № 93. Бахоси 1 с. 15 т.